

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳукукида

АБДУЛЛАЕВ ЖАВОХИР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230702 «Банк ҳисоби ва аудит»

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:

_____ и.ф.д., проф.

А.Омонов

ТОШКЕНТ-2013

Диссертация Тошкент молия институти *«Банк хисоби ва аудит»*
кафедрасида бажарилган.

Илмий рахбар:

и.ф.д., проф. А.Омонов

Кафедра мудири:

проф. Т.М. Қоралиев

Магистратура бўлими

бошлиги

доц.Х.Ахмедов

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб Банкларнинг молиявий натижаларини ҳисоби ва аудитини назарий асослари	7
1.1 Банкларнинг молиявий натижаларининг мазмуни ва таркибий тузилиши	7
1.2 Молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини ўзига хос хусусиятлари ва усуллари	15
2-боб Молиявий натижаларнинг ҳисоби ва аудитини амалиётдаги ҳолати ва асосий тенденциялари	24
2.1 Тижорат банклари даромад ва харажатларининг бухгалтерия ҳисобини юритишни таҳлили	24
2.2 Тижорат банклари молиявий натижаларини аудит қилиш усуллари таҳлили	37
3-боб Молиявий натижаларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўллари	54
3.1 Тижорат банкларининг якуний молиявий натижаси ва унинг ҳисоби	54
3.2 Банкларда молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш	42
Хулоса	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	83
Иловалар	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий иқтисодиётда барча иқтисодий фаолиятнинг натижаси тегишли фойда олишга қаратилган, банклар ҳам тижорат ташкилоти сифатида ҳисобот даврининг якуни бўйича тегишли фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Чунки, тижорат банкларининг таъсисчилари ўз маблағлари маълум даражадаги риск асосида қўшимча фойда олиш мақсадида тижорат банкларининг капиталини шакллантиришга йўналтирадилар. Аслида тижорат банкларининг фаолиятини фойда бидан яқунлаш нафақат таъсисчиларнинг балки молия-банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган устав капитални ҳажмини оширишда ҳам асосий молиявий омил бўлиб ҳисобланади.

Мазкур масалага мамлакатимиз Президенти И.Каримов алоҳида эътибор қаратиб: “Молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича комплекс чоратadbирларни амалга оширишни давом эттириш республика банк тизими капиталининг етарлилик даражасининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолинишини ҳамда кредитлаш кўламлари кенгайтирилишини таъминламоқда¹” —дея алоҳида таъкидладилар.

Юқорида қайд этилган фикрлар шуни кўрсатиб турибдики, банкларнинг молиявий барқарорлиги, уларнинг капиталлашувини асоси, шунингдек, акциядорларнинг молиявий манфаатдорлигини таъминланиши тижорат банкларининг молиявий натижаларини яқунлари, қолаверса молиявий натижаларни самарали ҳисобини юритиш ва аудитини амалга оширишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тижорат банкларининг оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган молиявий ҳисоботларининг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда мамлакатимиз банкларининг молиявий барқарорлиги, рентабеллик

¹ **Каримов И.А.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетси 2013 йил, 20 январь

ва фойда даражаси муттасил ортиб бормокда, шунга қарамасдан уларнинг молиявий натижаларини бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудитини амалга оширишда айрим зиддиятли ҳолатлар вужудга келмокда. Хусусан, банкларнинг молиявий натижаларини халқаро андозалар асосида ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тайёрлаш, молиявий натижаларнинг аудити бўйича хулосаларни тузиш ва уларни эълон қилиш ва бошқа шу каби қатор ҳолатлар шулар жумласидандир.

Мазкур магистрлик диссертацияси доирасида банкларнинг молиявий натижаларини ҳисоби ва аудитини амалга ошириш билан боғлиқ илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга эҳтиёжнинг мавжудлиги мазкур мавзунинг долзарблиги белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банкларнинг молиявий натижалари ҳисоби ва аудити бўйича хорижлик ва маҳаллий иқтисодчилар, иқтисодчи олимлар ва мутахассислар қатор илмий мақола ва иқтисодий асарлар тайёрлаганлар. Хусусан, Д. Полфреман, С. Питер Роуз, Т. Коуленд, Е.Фейм, Ф. Форд, Д. Ходжемен, Красавина А.Н., Колесников В.И., Лаврушин О.И. Мамонова И.Д., Усоскин В.М., Ширинская З.Г., Омонов А.А., Қоралиев Т.М., Абдуллаева Ш.З., Наврўзова К.Н., Норқобилов С.Х., Қодиров Э.Т. ва бошқаларнинг номларни келтириш мумкин.

Шунга қарамасдан, банкларнинг молиявий натижаларини бухгалтерия ҳисоби ва аудити тизимли равишда илмий тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқот мақсади. Банкларнинг молиявий натижаларини бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- банкларнинг молиявий натижаларини иқтисодий мазмуни қиёсий тарзда ўрганилади ва таркибий тузилишини амалиётдаги ҳолатига баҳо берилади;
- тижорат банклари молиявий натижаларининг бухгалтерия ҳисобини

юритишнинг мақсади, вазифалари ва усуллари илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилади ва илмий хулосалар шакллантирилади;

- тижорат банклари молиявий ҳисоботларини аудит қилиш усулларининг назарий жиҳатлари ва тартиби тадқиқ этилади;

- мамлакатимиз банкларида молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалиётдаги ҳолати таҳлил этилади ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаб берилади;

- банкларнинг молиявий натижаларни аудит қилишнинг амалиётдаги ҳолатига баҳо берилади ва ўзига хусусиятлари аниқлаб берилади;

- молиявий натижаларни ҳисоби ва аудитини амалга оширишдаги муаммолар аниқланади ва уларнинг ечимлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади;

- банкларнинг молиявий натижалар ҳисобини юритишнинг халқаро андозларини қўллашни самарадорлигини ошириш, аудит натижалари бўйича хулоса тайёрлашни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот ишининг вазифалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Мамлакатимиз банкларида тузидаётган молиявий натижаларини ҳисобини юритиш ва аудитини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисобини юритиш ва аудитини ташкил этиш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнлар мажмуи илмий ишнинг предмети бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилди.

Илмий янгилиги:

- банкларнинг молиявий натижаларини иқтисодий мазмуни ўрганилди ва таркибий тузилишига баҳо берилди;

- тижорат банклари молиявий натижалари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг мақсади, вазифалари ва усуллари илмий ва амалий жиҳатдан

тадқиқ этилди ва илмий хулосалар шакллантирилди;

- тижорат банклари молиявий ҳисоботларини аудит қилиш усуллари назарий жиҳатдан ўрганилди ва тартиби тадқиқ этилди;

- мамлакатимиз банкларида молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалиётдаги ҳолати таҳлил этилди ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари аниқлаб берилди;

- банкларнинг молиявий натижаларни аудит қилишнинг амалиётдаги ҳолатига баҳо берилди;

- молиявий натижаларни ҳисоби ва аудитини амалга оширишдаги муаммолар аниқланди ва уларнинг ечимлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;

- банкларнинг молиявий натижалар ҳисобини юритишнинг халқаро андозларини қўллашни самарадорлигини ошириш, аудит натижалари бўйича хулоса тайёрлашни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Магистрлик даражасини олиш бўйича тайёрланган диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2013 йил 30 апрелда ўтказилган республика илмий-амалий конференцияда тезис ва Тошкент молия институти Молия журналида илмий мақола кўринишида баён этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот иши матни 82 бетдан иборат бўлиб, 4 та жадвал, 3 та расм ва 2 иловани ўзида мужассамлаштирган.

1-боб. Банкларнинг молиявий натижаларини ҳисоби ва аудитини назарий асослари

1.1. Банкларнинг молиявий натижаларининг мазмуни ва таркибий тузилиши

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг жорий этилишининг дастлабки давридан банкларнинг бухгалтерия ҳисобини халқаро андозаларга ўтказиш бўйича жиддий қадамлар қўйилди. Чунки, хўжалик юритишнинг марказдан режалаштириш шароитида банкларда қўлланилиб келинган бухгалтерия ҳисоб варақлар режаси ва молиявий ҳисоботлари бозор муносабатлари шароитида ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг янги талабларига мутлақо тўғри келмас эди. Хусусан, халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий компания ва инвесторлар мамлакатимиз банклари баланси ва молиявий ҳисоботларини “ўқий олмасди” ва тегишли қарорлар қабул қилолмасди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш бўйича жуда қисқа муддатда қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги “Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит ислоҳоти тўғрисида”ги 37–сонли Қарори асосида Марказий банк ва тижорат банклари учун алоҳида халқаро андозаларга асосланган бухгалтерия ҳисоб варақлар режаси ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ишлаб чиқди² ва МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, 1997 йил март ойида банклараро электрон тўлов тизими билан параллел равишда амалиётга жорий этди.

² Маълумки, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига биноан банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Ушбу бухгалтерия ҳисобварақлар режаси ва ҳисобот шакллари халқаро андозаларга мос келиши билан бирга, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 6–моддасида белгиланган қоидаларини деярли қамраб олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банк тизимида амалда бўлган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалари:

- давлат томонидан тегишли молия-бюджет сиёсатини амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида пул оқимлари устидан мониторинг ўтказиш ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига эга бўлган қарорларни қабул қилишга;

- халқаро молия ташкилотлари, инвесторлар ва хорижий ҳамкорларни молиявий ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга;

- Марказий банкнинг мамлакат пул тизими, пул ўтказмалари устидан назорат қилиш, монетар сиёсатни амалга оширишга;

- тижорат банклари бошқарув кенгаши ва акциядорлари, инвесторлари ва миждозлар учун қарорлар қабул қилиш ва зарур ахборотларни олишга тўлиқ имконият беради.

Бундан ташқари банклардаги бухгалтерия ҳисоби ва электрон тўлов тизими:

- хўжалик юритувчиларга бир ва бир неча банкда ҳисобварақлар очиш;
- иқтисодиётда пул ўтказмалари бир неча дақиқаларда амалга ошириш;
- банкларда кўп валютали ва миллий валютада умумлашган кунлик баланс тузиш;

- давлат бюджетининг ягона кассасига тушадиган бюджет даромадлари ва харажатлари устидан кунлик назорат ва мониторинг қилиш;

- бошқа қатор қулайлик ва имкониятларни беради.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади жаҳон талабига мос келувчи ривожланган пул-кредит тизимига эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уни самарали тақсимлаш асосида аҳоли даромадларини кўпайтириш учун замин яратиш ҳамда яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборатдир. Ушбу мақсадни таъминлаш учун давлатимиз томонидан мамлакатимиз банк секторини

ривожланишининг зарурий макроиқтисодий шароитларни ҳамда банк тизимини барқарорлигини яратувчи назорат тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усуллариини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит ва инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш, банк операцияларини тўғри ҳисобга олиш, банк бошқаруви учун зарурий маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш, банклар ўртасида рақобат бўлишини таъминлашга асос яратиш, молия-кредит секторининг ҳуқуқий базасини яхшилаш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.³

Ҳозирда Ўзбекистон банк тизимида фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг сони 26 тани ташкил этиб, уларнинг филиаллари сони эса 800 дан ортиқ. Улар мулкчилик шаклига кўра акциядорлик-тижорат банклари, хусусий банклар, қўшма банклар, шўъба банклар ва давлат банкларидир. Ушбу банклар мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунлар, Марказий банк меъёрий ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан ўз фаолиятларини ташкил этадилар.

Республикаимизда, бухгалтерия ҳисобига оид илмий-назарий адабиётларда, молиявий натижа деганда кўпинча ҳўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якуни тушунилади. Молиявий натижага бундай қараш ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятининг якуний натижаси – фойда ёки зарарни ифодалашини кўриш мумкин.

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир –Т.: Ўзбекистон, 2010. – б. 56.

Таниқли рус олими Я.В. Соколов ўзининг “Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари” китобида молиявий натижани энг қийин категориялардан бири деб билади, ва уни маълум бир ҳисобот даврида олинган фойда ёки зарар деб таърифлайди. Молиявий натижа ҳисобот даврида капитал қийматининг ўзгаришини кўрсатади. Агар у ўсса, фойда тўғрисида, камайса— зарар тўғрисида гап кетади.⁴

Бошқа иқтисодчи олимларнинг фикрича молиявий натижа бу даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқдир. Бу фарқ мусбат бўлиши мумкин, шунда гап фойда ҳақида кетади, ёки манфий, унда у зарар сифатида қаралади. Жумладан, Ё.А. Маҳмудалиева ўзининг изланишида “фойда — даромад суммасининг қилинган харажатлардан ошган қисми”⁵ эканлигини қайд этган. Ушбу таърифда молиявий натижа фойда эканлиги ва у даромад ва харажат ўртасидаги фарқ сифатида аниқланишини кўриш мумкин.

Молиявий натижага бундай қарашларни А.К. Полищукнинг фикр-мулоҳазаларида ҳам учратиш мумкин: якуний натижа — фойда ёки зарар — даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.⁶

И.В. Пещанская ҳам ҳар қандай бошқа фаолият сингари банк молиявий натижаси (фойда ёки зарар) даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоб-китоб қилинади⁷ деб айтиб ўтган.

Ушбу олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда молиявий натижа даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ ва у фойда ёки зарар кўринишида бўлишини кўриш мумкин. Фикримизча, бундан кенг тарқалган модел вужудга келади, унга асосан даромадлар-бу кириб келувчи маблағлар оқими, харажатлар эса чиқиб кетувчи маблағлар оқими; фойда (зарар)— улар ўртасида вужудга келувчи фарқ, ва у балансда акс этиб уни ўзгартиради.

⁴ Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учёта -М.: Финансы и статистика, 2000.- с. 441с.

⁵ Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш: 08.00.07. и.ф.н. дисс. ТДИУ –Т.: 2001. – б. 33.

⁶ Полищук А.К. Банковский учёт и отчетность. – М.: Институт международного права и экономики им. А.С. Грибоедова, 1998. – с. 205.

⁷ Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка. Учебное пособие –М.: ИНФРА-М, 2001. – с. 320.

Кўриб чиқилган икки хил бухгалтерия ёндошувлари молиявий натижани активлар ўсиши ёки маблағлар кирими ва чиқими оқимлари ўртасидаги фарқига олиб келади. Бу молиявий натижани тўлиқ ифодалаб бера олмайди, чунки ҳар қайдай маблағлар кирими ҳам даромад (фойда) ҳисобланмайди ёки маблағлар чиқими ҳам харажатни ифодаламайди. Масалан банк таъсисчилари қўшимча бадал киритиш орқали устав капиталини кўпайтирди, бу албатта банк учун фойда эмас, шунингдек, банк томонидан қилинган инвестициялар маблағлар чиқимини ифодаласа у харажат эмас.

Бироқ яна бир ёндошув ҳам мавжуд бўлиб, у И. Фишернинг ишларида муқаддима этилган. Айнан у бухгалтер томонидан ҳисобланган анъанавий фойда иқтисодий мазмунга эга эмаслигини кўрсатиб, шундай бир мисол билан тушунтиришга ҳаракат қилган: бухгалтер нуктаи назаридан капитални ифодаловчи боғнинг нархи, унга қанча тўлаганидан ёки уни қанчага сотиш мумкин эканлигидан келиб чиқади, бироқ аслида унинг қиймати у келтирадиган ёки келтириши мумкин бўлган даромадга боғлиқ. Яъни И. Фишер молиявий натижани (фойда) ҳисобот даврида активлар даромадлилиги ўзгариши ҳисобига қийматнинг ўсиши деб эътироф этган.

Фойданинг иқтисодий катталиги бирон бир фаолиятда иштирок этаётган активнинг айна пайтдаги даромадлилиги ва келажакда даромад олиб келиш имкониятини кўрсатади. Фойданинг бухгалтерлик катталиги эса фаолиятнинг ўтган ва жорий даврдаги натижасини кўрсатади.

Юқоридаги фирмалардан келиб чиқиб, фойданинг ягона тушунчаси йўқлигини кўриш мумкин, чунки у манфаатдор шахсларнинг мақсадларига боғлиқ бўлади. Бу шахс, авваламбор, активлар таркибига нимани киритиш ва бухгалтерлик фойда қандай ҳисоб-китоб қилишни ҳал қилиш керак.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, фойданинг бухгалтерлик талқини иқтисодий катталигини белгилайди. Бундан ташқари активнинг иқтисодий баҳоси келажакка асосланган, лекин, бухгалтерияда фойда уни ҳисоб-китоб қилиш ўтган фаолият натижасига асосланган. Бизнингча, бухгалтерлик фойда

ва иқтисодий фойдани бир-бирига тенглаштириш учун банкнинг ишлаб топа олмаган маблағларини бухгалтерлик фойдага кўшиш керак.

Кўриб чиқилган молиявий натижалар тўғрисидаги қарашлар бухгалтерлик ва иқтисодий фойдани бир-бирига мос эмаслигини ҳамда уларни ҳисоблаш бўйича муаммолар ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб турганлигини кўрсатмоқда.

Бизнингча, банкнинг эришган молиявий натижаси, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар комплекси кўзгуси ҳисобланади. Ўз маблағларининг етарлилиги, ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштириш, даромад келтирувчи ва келтирмайдиган активлар, банкнинг харажатлари, зарарлари ва йўқотишлар даражаси, замонавий технологиялардан фойдаланиш, филиаллар, шўъба банклар ва минибанклар фаолиятининг даромадлилиги каби, банк фаолияти ва уни бошқариш сифати билан боғлиқ кўрсаткичлар молиявий натижаларга таъсир кўрсатувчи ички омиллар сифатида эътироф этиш мумкин. Банк молиявий натижасига таъсир этувчи ташқи омилларга эса банкнинг географик жойлашуви, хизмат кўрсатиш жойида миқдорларнинг мавжудлиги, рақобат даражаси, молиявий бозорнинг ривожланганлик даражаси, ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва банк ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар. Ушбу ички ва ташқи омиллар таъсири остида банк бошқаруви ва ходимлари фаолияти натижаси умумлашган ҳолда банк фаолиятининг якуний молиявий натижаси - фойдада ўз аксини топади.

Фикримизча, тижорат банклари фаолияти натижасига таъсир этувчи омилларнинг кўп қирралилиги молиявий натижаларни кўп мақсадли ва функцияли иқтисодий тизим сифатида қарашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам банк фаолияти натижасини иқтисодий кўрсаткичлар тизими ёрдамида тавсифлаш лозим. Молиявий кўрсаткичлар тизимини эса ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият натижасини ҳар томонлама комплекс баҳо берувчи ва содир бўладиган иқтисодий жараёнларини ҳаққоний акс эттирувчи кўрсаткичларни тушуниш керак.

Молиявий натижалар тўғрисидаги кўпчилик олимларнинг фикр-мулохазаларида молиявий натижани фойда сифатида қарашларини учратдик, лекин бу ундай эмас. Агар молиявий натижани фойда сифатида эътироф этадиган бўлсак, унда молиявий натижа терминини умуман олиб ташлашга тўғри келади. Молиявий натижа ижобий бўлган ҳолатдагина фойда тўғрисида гап юритиш мумкин, лекин ҳар доим ҳам у ижобий бўлавермайди, салбий ҳам бўлиши мумкин. Салбий бўлган ҳолатда, яъни даромадлар харажатлардан кам бўлганда зарар бўлади. Банк фаолияти натижаси зарар билан чиқса, ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошира олмайди.

Банк фаолиятини таҳлил қилиш, бошқариш ва режалаштиришда банк фаолиятининг молиявий натижасини ижобий бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шундай бўлсада банк фаолияти натижаси салбий бўлган ҳолатлар юзага келишини олдини олиш, унинг оқибатларини тўғирлаш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши кераклиги аниқланиши лозим.

Молиявий натижа аввало иш фаолиятига, менежментга, маблағ билан таъминланишга, банк операцияларининг даромадлилигига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Молиявий натижанинг салбий бўлган ҳолати, яъни фаолият натижаси зарар билан чиқишини кўриб чиқсак. Зарар термини кўпчилик иқтисодчи олимлар илмий изланишларда учратиш мумкин, улар буни фақат йўқотиш сифатида кўради ёки оддий бир сўз сифатида ишлатиб келади. Шунингдек зарар салбий якуний молиявий натижа сифатида кўрилиб, маълум бир ҳисобот даврида олинган даромадларнинг қилинган харажатларни қоплай олмаслиги тўғрисидаги фикрларни учратиш мумкин.

Тижорат банкларининг зарарсиз фаолияти унинг молиявий асосини мустаҳкамлайди ва аксинча узоқ муддат мобайнида зарар билан фаолият кўрсатиш банкни муқаррар таназзулга олиб бориши мумкин. Бу ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида юзага келган молиявий инқироз сабаблари ва оқибатлари натижасида айрим банкларнинг таназзулга юз тутганида кўриниб турибди.

Албатта тижорат банклари фаолятининг асосий мақсади – банк хизматлари бозорида мустаҳкам ўринга эга бўлиш ва узоқ муддатли барқарор фаолиятни таъминлаш учун максимал фойда олиш ҳисобланади. Банк фаоляти натижасида олинган фойда ёки зарар миқдори унинг актив ва пассив операциялар натижасини ўзида ифодалайди.

Бизнингча, зарар бу фақат харажатнинг даромаддан ошиши эмас, балки хўжалик юритиш натижасида ўз маблағларининг камайиши, даромад олмасдан маблағлардан фойдаланиш ва харажатларнинг қопланмаслигидир.

Агар хўжалик юритувчи субъект фаоляти зарар билан якунланаверса, охир-оқибат тўловга лаёқатсиз бўлиб, банкротга учрайди. Тижорат банклари фаолятида юзага келадиган зарарларнинг асосий қисми кредит, валюта, инвестиция ва бошқа операциялар натижасидан юзага келиб, кўпчилик ҳолатларда жойлаштирилган маблағларнинг қайтиб келмаслиги, фоизларнинг тўланмаслиги, лойиҳаларнинг самарасизлигида намоён бўлади.

Зарар банк фаолятига салбий таъсир кўрсатади, уни қоплаш йўллари қонунчиликда белгиланган тартиблар ва банк уставида назарда тутилган манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Шундай қилиб зарар харажатларнинг даромадлар билан қопланмай қолган қисми бўлиб, банк маблағларини истеъмол қилинганлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам молиявий натижани тўғри ҳисоб-китоб қилиш, зарарларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, даромад манбаларини топиш жуда муҳим ҳисобланади.

Фикримизча, молиявий натижа фақат фойда ҳам, зарар ҳам эмас, сабаби улар фаолиятнинг якуний натижаси сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Хўжалик юритувчи субъект ҳар бир операцияни амалга оширганда маълум бир натижага эришади бу даромад ёки харажатдир.

Таҳлиллар ва амалга оширилган ўрганишлар натижасида молиявий натижа термини иқтисодий адабиётларда турли ҳил маъно касб этганлигини

кўрдик. Шундай бўлсада молиявий натижани қуйидагича талқин қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Хулоса қилиб айтганда, банк фойдаси унинг фаолияти натижаси ва ривожланишининг асоси бўлиб, банк даромадларининг харажатларга нисбатан ортиқчалиги ҳолатида вужудга келади. Ўз навбатида молиявий натижа ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган, иқтисодий фаолият натижасини ҳар томонлама комплекс баҳо берувчи ва содир бўладиган иқтисодий жараёнларини ҳаққоний акс эттирувчи кўрсаткичдир.

1.2. Молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини ўзига хос хусусиятлари ва усуллари

Тижорат банкларида молиявий натижаларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи методологиясининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, тижорат банки бухгалтерия амалиётда юзага келаётган янги вазиятларга тайёр бўлиши лозим. Тижорат банкларининг фаолияти бевосита миждозлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, уларга хизмат кўрсатишга асосланади. Миждоз билан муносабатда банк шерик сифатида иштирок этиб, фаолият икки томонлама эркинликка ва ўзаро қизиқишга асосланиши лозим. Банк билан миждознинг узок муддатли шерикчилик муносабатлари ўзаро ишончга асосланиб, банк ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиб, маблағларни мақсадли жойлаштиришга ва фойдани оширишга ҳаракат қилиши керак.

Тижорат банклари фаолиятини ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига асосланади. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш лозим деб ўйлаймиз:

- банкларнинг фаолиятини белгиланган меъёрга ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириш - бунда тижорат банкларининг ўз маблағлари банк ресурслари ичида кам салмоқни ташкил этади. Тижорат банклари аҳолининг, хўжалик юритувчи субъектларининг ҳамда давлатнинг маблағларини ўзига жалб қилиб олиб уни трансформация қилади. Яъни,

маблағларга эҳтиёж сезаётган банк, корхона, ташкилот, муассаса, аҳоли ва давлатга қарзга бериб туради ёки улар фаолиятига инвестиция қилади.

- арзонроқ олиб, қимматроқ сотиш - бунда банклар ресурсларни жалб қилаётганда уларга маълум бир миқдорда ҳақ тўлайди, уларни ўз номидан маълум бир ҳақ эвазига жойлаштиради, олинган ва берилган тўлов ўртасида фарқ мусбат бўлиши лозим.

- ўз маблағлари билан риск қилган ҳолда мижознинг маблағлари билан риск қилиш мумкин эмас - бу тамойилда банклар жалб қилган маблағлар билан иш кўриб уларни қайтиб келмаслик ҳолатида йўқотишлари мумкин. Банк ўз маблағларини riskли операцияларга жойлаштиришлари мақсадга мувофиқ.

- барчаси мижоз учун, унга ҳар доим тез ва сифатли хизмат кўрсатиш - банк фаолияти мижозларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки мижоз бўлмаса банк ҳам бўлмайди. Мижоз фаолияти даромадли бўлган тақдирдагина банк ҳам даромад олиш имкониятига эга бўлади. Банк мижознинг даромад олиш имкониятини яратар экан, у фақат мижознинг манфаатларини эмас, балки ўз манфаатларини ҳам амалга оширади.

- банкнинг мижоз билан муносабати ўзаро тенглик, манфаатдорлик тамойили асосида ташкил этилиши лозим - мижоз банкка мурожат қилганда унга ишонч билан шерикчилик муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида банкнинг мижозлари сони кўпайишини ва унинг банклараро рақобатда ютиб чиқишда ёрдам беради.

Банклар ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида қандай натижага эришгани, маблағлари ҳаракати, уларнинг манбаи тўғрисида тезкор ва сифатли маълумотга эга бўлиши лозим. Ушбу маълумотларни бухгалтерия ҳисоби таъминлаб беради.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги бухгалтерия ҳисоби билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқлик банкларнинг касса, ҳисоб-китоб, кредит операциялари бўйича корхона, ташкилот, муассасаларга хизмат кўрсатишда намоён бўлади. Банклар юқоридаги

операцияларни амалга ошириши банк, корхона, ташкилот ва муассаса бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топади. Банк балансининг актив ва пасив томонида акс эттирилган банк операциялари корхона ва ташкилотлар балансидаги маълумотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бир-бирига мос келади. Банк мижозлари шартнома асосида олиб борган ҳар бир операцияси бўйича банкдан тегишли бирламчи ҳужжатларни олади ва шу ҳужжатлар асосида ўзи амалга оширган хўжалик операцияларни ҳисобга олади.

Фикримизча, банк бухгалтерия ҳисоби оперативлиги, тузилиши ва бир хиллиги билан характерланади. Бу барча операцияларнинг амалга оширилган куннинг ўзидаёқ ёрдамчи китоб материалларида акс эттирилиб, бош китоб маълумотлари билан назорат қилиб борилишида намоён бўлади. Шунингдек, банк муассасаларида ҳисоб тизими шуниси билан аҳамиятлики, уларда фақат молиявий ресурсларни бошқариш эмас балки ҳисобнинг банк бўлимлари ва фаолият соҳаларига кириб кетишидир. Ўз операцияларини ҳисоб журналида ёки компьютер тизимида акс эттирганда молиявий муассасанинг барча операцион бўлинмалари ҳисоб учун маълумот шакллантиради.

Банк бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги иқтисодий ривожланиши босқичида банк мулкнинг ҳолати ва ҳаракати, пул маблағлари, кредитлар, фондлар, молиявий натижалар ва бошқа бир қанча амаллар тўғрисидаги ахборотлар оқимини ифодалаб, банк фаолиятини бошқариш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш мақсадида шакллантирилади. Тижорат банклари фаолиятининг асосий тамойилларини тизимлаштирилган ҳолда бухгалтерия ҳисобини асосий вазифаларини қуйидагича гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан:

- ўз ва жалб қилинган маблағлардан унумли фойдаланиш ва улар устидан назоратни таъминлаб бериш;
- олинган даромад ва қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида режалаштирилган ликвидлилик ва рентабеллик даражаси орқали банк даромадлигини таҳлил қилиш ва назорат қилиш;

- банк мулки ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни ўрнатишни таъминлаш;

- бажарилган операциялар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ҳамда аниқ акс эттирилишини таъминлаш;

- бухгалтерия ҳисоботининг ички ва ташқи фойдаланувчилари учун банк муассасасининг фаолияти ва мулкӣ ҳолати тўғрисида батафсил, аниқ ва мазмунли маълумотни шакллантириш.

Баланс фойдаси фақатгина ҳисобот даврида банк фаолияти оралик молиявий натижасини ифодалайди, тижорат банки соф фойдаси эса якуний молиявий натижани. У барча харажатларни қоплаган, кўзда тутилмаган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, резервларни шакллантириб, фойдадан солиқ тўлангандан кейин қолган даромаднинг қолган қисмида ифодаланади.

Дж. Синки АҚШ банкларининг одатий фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот формаси қуйидаги кўринишда қарайди.⁸

1. Фоизли даромад (ФД);
2. Фоизли харажат (ФХ);
3. Соф фоизли даромад (ФД - ФХ);
4. Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш заҳираси (ЗҚЗ);
5. Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш заҳираси шакллантирилгандан кейинги соф фоизли даромад (ФД – ФХ – ЗҚЗ);
6. Фоизсиз даромад (ФсД);
7. Фоизсиз харажат (ФсХ);
8. Фоиз билан боғлиқ бўлмаган соф даромад (ФсД – ФсХ);
9. Қимматли қоғозлар бўйича даромад ёки зарарларни ҳисобга олмаган ҳолда ва солиқларни тўлагунга қадар даромад
(ФД - ФХ) - ЗҚЗ + (ФсД – ФсХ);
10. Даромад солиғи (ДС);
11. Банк операцион фаолияти бўйича соф даромад

⁸ Дж. Синки Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го издания / под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. М.: 1994, Catallaxy. –с. 47.

$(\Phi Д - \Phi Х) - 3ҚЗ + (\Phi сД - \Phi сХ) - (ДС);$

12. Қимматли қоғозлардан даромад ёки зарар (ҚҚД);

13. Соф даромад (СД)

$СД = (\Phi Д - \Phi Х) - 3ҚЗ + (\Phi сД - \Phi сХ) - (ДС) +/- (ҚҚД);$

14. Дивидендлар (Д);

15. Суммар тақсимланмаган фойда (ТФ)

$ТФ = СД - Д.$

Ушбу ҳисобот шаклидан молиявий натижанинг қуйидаги кўрсаткичларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- Соф фоизли даромад;
- Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш заҳираси шакллантирилгандан кейинги соф фоизли даромад;
- Фоиз билан боғлиқ бўлмаган соф даромад;
- Қимматли қоғозлар бўйича даромад ёки зарарларни ҳисобга олмаган ҳолда ва солиқларни тўлагунга қадар даромад;
- Банк операцион фаолияти бўйича соф даромад;
- Қимматли қоғозлардан даромад ёки зарар;
- Соф даромад;
- Суммар тақсимланмаган фойда.

Бундан кўришиб турибдики Дж. Синки банкнинг молиявий натижасини аниқлашнинг бу моделида солиқларни тўлаш нуқтаи назаридан ва банкнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини алоҳида ҳисобга олган ҳолда ёндашган. Шунингдек, банкнинг фоизли ва фоизсиз даромадлари алоҳида кўрсатилган. Ушбу модел фонд бозори ривожланган ва банк операцияларининг асосий қисми бевосита ушбу операциялари билан боғлиқ бўлган давлатларда фойдаланиши мумкин.

Тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантиришни кўриб чиқаётганда чет давлатлар банк тизимида молиявий натижалар кўрсаткичларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Авваламбор саноати ривожланган АҚШнинг катта банкларида молиявий натижаларни шакллантириш моделини маълумотлари асосида кўриб чиқсак.

1-иловадан кўриниб турибдики соф фоизли даромадга соф фоизсиз даромадларни қўшиш орқали солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш орқали молиявий натижаларни шакллантириш кетма-кетлиги АҚШ банклари учун жуда кенг тарқалган ҳисобланади.

Бунда фоизсиз харажатларни соф фоизли ва операцион даромадлар суммасидан айирса янада асосланган бўлар эди, чунки фоизсиз харажатлар банкнинг умумий харажатлари ҳисобланади. Бундай моделда молиявий натижаларни шакллантириш жараёнини икки мустақил босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади: соф операцион даромадни шакллантириш босқичи ҳамда операцион бўлмаган даромад ва харажатларни шакллантириш босқичи.

Россия тижорат банкларида “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботга асосан молиявий натижаларни шакллантириш модели қуйидаги кўринишга эга:⁹

1. Фоизли даромад.
2. Фоизли харажат.
3. Соф фоизли даромад (1қат-2қат).
4. Бошқа операцион даромадлар (зарарлар).
5. Ялпи операцион даромад (зарарлар). (3қат+4қат)
6. Операцион харажатлар.
7. Соф операцион даромад (зарар) (5қат-6қат)
8. Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини шакллантириш харажатлари.
9. Кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича фойда (зарар).
10. Солиқ тўлангунга қадар соф даромад (зарар) (7қат -8қат+/-9қат).
11. Даромад солиғи.
12. Соф фойда (зарар) (10қат-11қат).

⁹ Жарковская Е.П. Банковское дело.-4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2005.- с. 377.

13. Фойданинг тақсимланиши

Банк даромадлари ва харажатларини бундай гуруҳлаштириш уларнинг асосий банк операцияларини ўтказишда қай даражада боғлиқлигини, шунингдек оралиқ босқичларда олинаётган фойдани аниқлаш имконини беради.

Кўриб чиқилган моделлар якуний натижа яъни банк соф фойдасини ўзгартирмайди. Соф фойдани шакллантириш моделлари фақат ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби билан фарқланади.

Бизнинг фикримизча, банкларнинг молиявий натижаларини ҳисоб-китоб қилиш тартибини қуйидаги кўрсаткичлар тизими асосида олиб боришни таклиф қилган:

1. Ялпи фойда
2. Асосий фаолият бўйича фойда
3. Давр харажатлари
4. Умумхўжалик фаолияти натижаси
5. Бошқа фаолият бўйича олинган фоизлар
6. Молиявий фаолият натижаси (фойда, зарар)
7. Бошқа фаолият бўйича харажатлар
8. Кўзда тутилмаган фавкулотдаги фойда (зарар)
9. Солиқ тўлангунга қадар бўлган натижа (фойда, зарар)
 - солиқ
10. соф фойда (зарар)
 - тўланган дивидентлар
11. Тақсимланмаган фойда.

Ушбу кўрсаткичлар тизимида молиявий натижалар банк фаолияти турларига боғланган, унда ялпи фойда, асосий фаолият бўйича фойда, умумхўжалик фаолияти натижаси, молиявий фаолият натижаси, кўзда тутилмаган фавкулотдаги фойда, солиқ тўлангунга қадар бўлган натижа, соф фойда (зарар), тақсимланмаган фойда каби кўрсаткичлар аниқланади. Лекин, банк фаолиятини таҳлил қилиш учун ушбу маълумотлар мос келмайди,

чунки олинган даромадлар ва қилинган харажатларни солиштирганда улар ўртасида номутаносиблик мавжуд. Масалан ялпи фойда кўрсаткичини аниқлаш учун берилган кредитдан олинган фоизлардан депозитлар бўйича тўланган фоизларни чегириб ташлаган. Банк депозитларга жалб қилган маблағларни фақат кредит операцияларни амалга ошириш учун ишлатмайди, ундан бошқа банк операцияларини амалга ошириш учун ҳам фойдаланади. Масалан, инвестиция, лизинг ва бошқа операциялар учун.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишда ушбу вазифаларнинг тўлиқ ва тўғри бажарилиши банк фаолиятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Бизнингча, банклар ўз фаолиятини асосан четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириши банк бухгалтериясига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли банк бухгалтерия ҳисобварақлари режасидаги ҳисобварақларнинг аксарияти мижозлар маблағларни ҳисобга олишга мўлжалланган.

Банклар банклараро бозорда рақобатнинг кучайиши, банк операцияларнинг кўпайиши, хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, ҳар бир мижоз учун кураш кетаётганлиги ўз фаолиятини доимий равишда назорат қилиш, таҳлил қилиш ва асосда янги банк хизматларини таклиф қилиш, янги банк филиалларини очиш, самарасиз фаолият кўрсатаётганларини эса ёпиш, мининг банкларни очиш ҳамда банкни ривожлантириш учун барча чоратadbирлар кўрилади.

Тижорат банклари фаолияти таҳлил қилинаётганда маълумотлар тезкорлик билан олиш имконияти мавжудлиги бевосита таҳлил услугиётига таъсир кўрсатади. Шунингдек, банк бухгалтерия ҳисоби компьютерлаштирилганлиги маълумотларнинг тез қайта ишлаш имкониятини яратади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган айрим тижорат банклари маълумот узатиш учун ўз ички тизимлари мавжуд. Ушбу тизим

орқали банк ходимлари банк ҳолати ҳақида керакли бўлган маълумотларни олади ва ундан таҳлил қилишда фойдаланади.

Банк маълумотларидан ташқи фойдаланувчилари эса, айниқса банк миждозлари йил якунланиб, акциядорлар умумий йиғилиши бўлиб ўтгандан сўнгина матбуотда эълон қилинадиган ҳисоботдан фойдаланишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда тижорат банклари барча хўжалик юритувчи субъектлари катори ўз фаолиятини ўз даромадини кўпайтиришга ва шу асосда, биринчидан, ўз таъсисчилари – акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан, иккинчидан, банк фаолиятини ривожлантиришдан иборат.

2-боб Молиявий натижаларнинг ҳисоби ва аудитини амалиётдаги ҳолати ва асосий тенденциялари

2.1. Банк даромад ва харажатларининг бухгалтерия ҳисобини юритишни таҳлили

Тижорат банкларида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 август 773-17-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги № 578 қарори билан тасдиқланган ва 1-17-сон ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” да келтирилган бир қанча ҳисобварақлардан фойдаланилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича чиқарилган меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Тижорат банклари юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз ишчи ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқади ва шу асосида ўзларида амалга оширилаётган операциялар бўйича олинаётган ҳар бир даромад ва қилинаётган харажат моддасига шахсий ҳисобварақлар очади, зарур бўлганда қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

Ҳисобварақлар режасидаги 40000-“Даромадлар” ва 50000-“Харажатлар” бўлимларидаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Шунинг учун тижорат банклари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда аналитик ҳисобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар.

Банк даромад ва харажатларининг аналитик ҳисоби банк фаолиятини бошқариш ва солиққа тортиш тартибини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Тижорат банкларида молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобининг мақсади ҳисоб тизими ва фойдаланувчилар учун банк фаолияти натижалари

тўғрисида маълумотларни тан олиш, ўлчаш, уларни жамлаш ва уларни аниқ етказиб беришдир.

Бухгалтерия ҳисоби вазифаларини тизимлашган ҳолда банкларда молиявий натижалар ҳисоби вазифалари ҳам алоҳида гуруҳланди:

- банк фаолияти асосий кўрсаткичлари бўйича режанинг бажарилишини назорат қилиш;

- банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва даромадларни ўз вақтида ва тўғри белгилаш;

- даромад, харажат, фойда ва зарарларни тан олиш ва уларни ҳисобда акс эттириш тўғрилигини таъминлаш;

- банк фаолияти натижалари ҳисобини тўғри юритиш ва молиявий ҳисоботлар тайёрлаш учун маълумот билан таъминлаш;

- замонавий такомиллашган ҳисоб тизимини тадбиқ қилиш, банк фаолияти натижалари кўрсаткичлари услубиёти ва молиявий ҳисобот шакллариини такомиллаштириш;

- банк фаолияти самарадорлигини ошириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ўтказилган таҳлил ва тезкор назоратга зарур ишончли ва аниқ маълумотларни шакллантириш;

- молиявий натижалар тақсимланишининг ҳисобга олиншини тўлиқ таъминлаб бериш.

Ҳозирги кунда молиявий натижалар ҳисоби муаммолари билан шуғулланган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида аҳамиятлик томонларидан бири улар молиявий натижалар ҳисобини ташкил қилишда уларни иккига бўлиб ўрганишни таклиф қиладилар:


- молиявий натижаларнинг шаклланиши;
- молиявий натижаларнинг тақсимланиши (ишлатилиши).

Ушбу ҳолатни, қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида ҳам ушбу таклифнинг моҳияти ўз кучини йўқотмади. Бизнингча, молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш зарурияти туғилган ҳозирги шароитда ҳам,

айнан шу масалани такомиллаштиришда ушбу услубий ёндошишни асос қилиб олиш лозим.

Барча хўжалик субъектлари қатори тижорат банкларида ҳам молиявий натижалар шаклланиш жараёнининг бошланғич бўғини бу даромаддир. Шу нуқтаи назардан даромаднинг таркиби ва шаклланиш тартиби, уни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Даромаднинг таркиби ва шаклланиш тартиби тармоқ хусусиятига кўра турли хил хўжалик субъектлар, шу жумладан тижорат банкларида ўзига хосдир.

Тижорат банкларида даромадларни ҳисобга олиш бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида бошланади. Бунда уларни ҳисобга олиш жараёни уларни тан олишдан бошланишини биз юқоридаги саволда кўрдик. Даромадлар тан олингандан кейин улар ундирилади ёки ундирилмай қолади. Ундирилмай қолган даромад банкка икки марта зарар олиб келади, сабаби қилинган харажат қопланмай қолинади ва олинмаган маблағга нисбатан солиқ тўланади. Шу сабабли ҳам банк даромадлари, харажатлари ва фойдаси ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадга мувофиқ.




2.1-расм. АТ “Агробанк” даромадларининг ўзгариш динамикаси, млрд сўм ҳисобида¹⁰

АТ “Агробанк”да даромадларининг ўзгариш динамикасига эътибор берсак жами даромади 2008 йилга нисбатан барқарор кўпайиб борган. Фоизли даромадлар таҳлил қилинаётган даврнинг бошида фоиzsиз даромадга нисбатан кам бўлган, лекин 2011 йилга келиб уларнинг салмоғи ошган. Ушбу

¹⁰ Банк ахборотномаси газетасида 2005-2010 йилларда АТ “Агробанк” (АТ “Пахтабанк”)нинг “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

ҳолат банкнинг танлаган сиёсати қўйилган мақсадларга эришиш имкониятини берган.



2.2-расм. АТ “Қишлоқ қурилиш банк” даромадларининг ўзгариш динамикаси, млрд сўм ҳисобида¹¹

АТ “Қишлоқ қурилиш банк”да жами даромадлар 2008 йилга нисбатан 2011 йилда жуда кам миқдорда кўпайган. Диаграммадан кўриниб турибдики, банк даромади фоизли даромад суммасига мутаносиб равишда ўзгариб борган. 2008 йилда фоизли даромадлар ва фоизсиз даромад ўртасидаги фарқ анча катта бўлган. Ушбу даврда банкнинг фоизли даромади суммаси камайиб, фоизсиз даромад суммаси кўпайиб борган. Бу банк даромадининг кўпроқ риск даражаси юқори бўлган операцияларни амалга оширишга қаратилганлигини билдиради.

Юқоридаги расмлардан кўриниб турибдики банкларнинг даромадларини фоизли ва фоизсиз даромадга ажратилган ҳолда ҳисобга олиш тартибидан фойдаланган ҳолда, уларни ҳисобга олишни ҳар бир банк операцияси бўйича алоҳида кўриб чиқсак.

Авваламбор юқори даромад келтирувчи кредит ва инвестиция операцияларида даромадларни ҳисобга олиш тартибини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Кредитлар бўйича даромадлар асосан фоиз кўринишида ва комисион ҳақ кўринишида бўлади. Кредит бўйича олинadиган даромадлар мижоз билан тузилган кредит шартномасига асосан белгиланган муддатларда олинади.

¹¹ Банк ахборотномаси газетасида 2005-2010 йилларда АТ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Кредит бўйича фоизлар одатда ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади. Шунингдек кредитларнинг муайян турлари бўйича 360 кун базавий давр қилиб белгиланган. Кредит бўйича фоизлар қуйидаги 2.1 формулага биноан ҳисобланади:

$$\text{Фоиз суммаси} = \frac{\text{Кредит қолдиғи} \times \text{фоиз ставкаси} \times \text{амалдаги кунлар сони}}{365 \times 100\%} \quad (2.1)^{12}$$

2.1 формула асосида банк томонидан берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар суммаси ҳисоб-китоб қилинади.

Шу ўринда қайд қилиб ўтиш керакки, базавий давр барча кредитлар учун 365 кун қилиб белгиланса мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби фоизлар ҳар куни ҳисобланади, шу сабабли жалб қилинган маблағларга тўланаётган фоизлар ва ушбу маблағларни жойлаштириш бўйича олинadиган фоизлар суммаси ўртасида номутаносиблик юзага келиши мумкин.

Кредитлар бўйича фоизларни ҳисоб-китоб қилишда асосий эътиборни миқдор билан тузилган кредит шартномасига қаратиш лозим. Унга кўра кредитнинг ҳақиқатда фойданилган кунлардаги қолдиқ сумма бўйича фоизлар ҳисобланиши ва ундирилиши керак.

Фикримизча, кредит бериш юзасидан олинаётган воситачилик ҳақ кредит муносабатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади, шунинг учун ҳам улар муддати узайтирилган даромадлар ҳисобланади ва фоизли даромаднинг коррективировкаси сифатида тан олиниши керак. Шу сабабли банклар “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида” ги № 1435 сонли низом талабларини бажариши керак.

Кредит бериш юзасидан олинаётган воситачилик ҳақ банкнинг қуйидаги кўринишдаги харажатларини қоплайди: миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги ва инвестицион лойихаларнинг қопланишининг баҳоланиши, гаров ва бошқа таъминотларни ташкил этиш харажатлари, ҳужжатларни тайёрлаш ва қайта ишлаш харажатлари ва бошқа кредит бериш билан боғлиқ бўлган харажатлар.

¹² “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” ги 1306-сонли Йўриқнома. 30.01.2004. www.cbu.uz

Муддати узайтирилган даромадлар кредитнинг амал қилиш муддати давомида даромадни тузатиш сифатида реал фоиз ставкаси усулини қўллаган тарзда амортизацияланади ва ҳар ойда фоизли даромадга олиб борилиши керак. Юқоридаги мисолда муддати узайтирилган воситачалик даромади амортизацияси 29341,5 сўмни ташкил этди. Уни фоизли даромад сифатида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали тан олинади:

Дебет 22896 - “Бошқа муддати узайтирилган даромадлар” 29341,5 сўм

Кредит 42101 – “Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар” 29341,5 сўм

Бундан қўриниб турибдики банкнинг мижозга берган кредити бўйича фоизли даромади март ойида $237808,20 + 29341,5 = 267149,7$ сўмни ташкил этди.

Тижорат банкларининг фоизли даромадлари ичида кредит операцияларидан кейинги ўринда турадиган операциялардан бири бу қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлардир. Қимматли қоғозлардан олинadиган даромадларни биз фоиз, дисконт, курс ўртасидаги фарқ ва бошқа қўринишдаги даромадларга бўлишимиз мумкин.

Банк сотиб олган қимматли қоғозларни ният ва мақсадларига қараб олди-сотди қимматли қоғозларга, сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар, сўндириш муддатигача сақланadиган қимматли қоғозлар ва инвестиция қимматли қоғозларига бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида улардан олинган даромадларни ҳисобга олиш учун бир қанча “Активлар” бўлимига тегишли бўлган ҳисобварақларда молиявий активлар бўйича даромадлар ҳисобланади ва “Даромадлар” бўлимига тегишли бўлган ҳисобварақларда улар тан олинади.

Молиявий активлар бўйича фоизлар ҳисоблашни олди-сотди қимматли қоғозлар мисолида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали келтирилишини қўриш мумкин:

Дебет 16305 – “Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 40600 – “Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар”

Ҳисобланган фоизлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет 10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миқдорнинг депозит ҳисобварағи

Кредит 16305 – “Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар”

Дисконт реал фоиз ставкаси методини қўллаш орқали амортизацияланади, шартнома бўйича олинган лозим бўлган фоизлар ҳар ойда ҳисоблаб борилади.

Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет 16305 – “Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 10791 – “Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)”

Молиявий активлар бўйича дисконт белгиланган муддатларда амортизацияланади ва даромад таркибига ўтказилиб, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топади ва ушбу операция бўйича бухгалтерия ўтказмаси қуйидагича амалга оширилади:

Дебет 10791 – “Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)”

Кредит 40600 – “Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар”

Биз фақат банкнинг асосий фоизли даромадлари ҳисобланган кредит ва қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ҳисобини кўриб чиқдик.

Энди фоизли даромадлардан фоизсиз даромадларни ҳисобга олиш амалиётини тадқиқ қилсак. Банкнинг фоизсиз даромадига юқоридаги саволларда кўрганимиздек воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар, чет эл валютасидаги фойда, тижорат операцияларидан олинган фойда, инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар ҳамда бошқа фоизсиз даромадлар киради.

Тижорат банклари фоизсиз даромадлари таркибида энг кўп улушга эга бўлган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ҳисобга олишда улар авваламбор тан олинади ва шундан сўнг даромадлар ҳисобварағига ўтказилади. Масалан, банк мижознинг тўлов ҳужжатлари бўйича 1000000,00 сўмни ўтказиб берди, банк ҳисобварағи шартномасига асосан дебет обороти бўйича 0,5 % миқдорида хизмат ҳақи келишган бўлса, у олган фоизсиз даромади 5000,00 сўмни ташкил этади. Ушбу тўлов шартнома шартларига асосан кейинги иш кунида ёки шартномада белгиланган муддатда мижоз ҳисобварағидан тўлаб берилади.

Бунда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилиши лозим:

Дебет 16401 – “Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар” 5000,00 сўм

Кредит 45249 – “Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар” 5000,00 сўм

Ҳисобланган даромад ундирилганда эса:

Дебет Мижознинг ҳисобварағи 5000,00 сўм

Кредит 16401 – “Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар” 5000,00 сўм

Хозирги кунда кўпчилик тижорат банкларида фоизсиз даромадларни ундиришда мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлса тўғридан-тўғри даромад ҳисобварағига кирим қилинаёпти, яъни

Дебет Мижознинг ҳисобварағи 5000,00 сўм

Кредит 45249 – “Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар” 5000,00 сўм

Агар мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаса юқорида келтирилган бухгалтерия ўтказмаси орқали даромад ҳисобга олиниб, маблағ келиб тушиши билан ундириб олинапти.

Фикримизча, тижорат банклари фоизсиз даромадларни мижоз ҳисобварағида маблағ бўлишидан қатъий назар аввал ҳисобга олиб, кейин ундириб олиш лозим.

Шу билан бирга мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида банклар фоизсиз даромадларни ҳисоблаб қўйгандан сўнг мижозларнинг тўловга лаёқатсизлиги сабабли белгиланган муддатда уни ундириб олиш имкониятига эга бўлмай қоладилар. Ушбу ҳолат банкнинг ҳисобланган фоизсиз даромадлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини яратиш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун банк ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварағидаги маблағларини ҳисоб-китоб қилиш керак.

Фикримизча, 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477 – “Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар” ҳисобварағини киритса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу ҳисобварағда олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши, банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

Юқорида кўриб ўтилган мисолда ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида тўланмаса, улар 16477 - Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар ҳисобварағига ўтказилса қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет 16477 – “Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар” 5000,00 сўм

Кредит 16401 - “Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар” 5000,00 сўм

Муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар тўланганда эса:

Дебет Мижознинг ҳисобварағи 5000,00 сўм

Кредит 16477 – “Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар” 5000,00 сўм

бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Банклар қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчилари сифатида инвестицион, олди-сотди операцияларни ривожлантириб келмоқда. Бунинг натижасида ўз даромадлари таркибини кенгайтирмоқда.

Банк ихтиёрида бўлган қимматли қоғозлар бўйича эмитентлар томонидан эълон қилинган дивидендлар ҳисобга олинганда:

Дебет 19939 –“Олинадиган дивидендлар”

Кредит 45800 – “Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар”

бухгалтерия ўтказмаси келтирилади.

Эълон қилинган дивидендлар пул кўринишда олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет банк вакиллик ҳисобварағи ёки эмитент ҳисобварағи

Кредит 19939 –“Олинадиган дивидендлар”.

Банк молиявий активларини сотиш натижасида ёки ҳисобдан чиқаришда ижобий ёки салбий натижага эришиш мумкин. Агар ижобий натижага яъни, фойда олса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет Кассадаги нақд пуллар, мижознинг ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи

Кредит 4xxxx Қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда

Банк даромадларини ҳисобга олиш амалиётини кўриб чиққандан сўнг харажатларни ҳисобга олиш жараёнини кўриб чиқсак.

Харажатларни биз фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларга бўлиб ўрганишни ўринли деб билган эдик. Шундан келиб чиққан ҳолда, авваламбор банкнинг фоизли харажатларини ҳисобга олиш амалиётини тадқиқ қиламиз.

Банк томонидан жалб қилинган депозитлар бўйича фоизлар банк ҳисобварағи шартномасида кўзда тутилган фоизлар ҳар куни депозит қолдиғининг ҳақиқий суммасига ҳисоблаб ёзилади. Масалан, банк филиали Ражабов Ш.дан 2010 йил 1 февралда 3 ойга йиллик 18 фоиз ставкаси билан 100000 сўм муддатли депозит жалб қилди. Депозитларга фоизлар қолдиқ сумма доирасида ҳар куни ҳисобланади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси ёрдамида акс эттирилади:

$$\text{Фоиз суммаси} = \frac{1000000,00 \times 18\% \times 1}{365 \times 100\%} = 493,15 \text{ сўм}$$

Дебет 51106 – “Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар” 493,15 сўм

Кредит 22405 - “Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” 493,15 сўм

2010 йил феврал ойи учун фоизли харажат: $493,15 \times 28 = 13808,22$ сўмни ташкил этди ва у тўланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет 22405 - “Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” 13808,22 сўм

Кредит 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” 13808,22 сўм

Ҳозирги кунда банк амалиётида муддатли ва жамғарма депозитлар бўйича банк билан мижоз ўртасида тузилган банк ҳисобварағи шартномалари шартлари бажарилмай қолаётганини кузатиш мумкин. Мижозлар шартномада кўзда тутилган муддатларга риоя қилмасдан депозитлардаги маблағларини муддатидан олдин ечиб олиш ҳоллари кузатилмоқда. Бунда олинган муддатгача ҳисобланган фоизлар қайта ҳисобланиши талаб этилмоқда. Айрим ҳолларда банк ходимларининг лоқайдлиги туфайли ҳисобланган фоизли харажатлар қайта кўриб чиқилмаяпти. Фикримизча, ушбу депозитлар бўйича қилинган харажатлар қайта коррективировка қилиниши лозим ва банк харажатлари камайтирилиши керак.

Банк амалиётида инвесторларни қизиқтириш мақсадида ёки муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларни тезроқ жойлаштириш мақсадида қимматли қоғозлар дисконт ёки мукофот билан чиқарилмоқда.

Қиммати қоғозлар дисконт билан чиқарилганда дисконт сотиш санасида акс эттирилади ва қимматли қоғозларнинг муомала муддати ичида реал фоиз ставкаси усули бўйича амортизация қилинади.

Дисконт амортизацияси қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобга олинади:

Дебет 54200 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар”;

Кредит 23698 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт”;

Кредит 22414 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”.

Қиммати қоғозлар мукофот билан чиқарилганда мукофот сотиш санасида акс эттирилади ва дисконт сингари қиммати қоғозларнинг муомала муддати ичида реал фоиз ставкаси усули бўйича амортизация қилинади.

Мукофот амортизацияси қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобга олинади:

Дебет 23696 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия);

Дебет 54200 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар”;

Кредит 22414 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”.

Тижорат банкларининг фоизсиз харажатлари асосан банк операцияларини амалга ошириш натижасида вужудга келади ёки бирор бир операцияни амалга ошириш натижасида юзага келган зарар сифатида намоён бўлади. Буларга юқоридаги саволларда кўриб чиққанemizдек, воситачилик ҳақини тўлаш харажатлари, чет эл валютасидаги зарарлар, харид қилиш ва сотиш ҳисобрақамлари бўйича зарарлар, инвестициялар бўйича зарарлар ва бошқа фоизсиз харажатлар киради.

Банкнинг фоизсиз харажатлари ичида коммиссион харажатлар салмоқли ўринни эгаллайди. Улар асосан бошқа банкларга тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг олди-сотди операциялари, сотиб олинган векселлар, аккредитивлар ва акцептлар бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари, овердрафт, кредитлар ва кредит мажбуриятлари бўйича харажатлари, маҳаллий ва хорижий тўловлар бўйича воситачилик харажатлари, инкассо операцияларини амалга ошириш бўйича ва воситачилик харажатлари, кафолат ва кафиллик операцияларини амалга ошириш бўйича воситачилик харажатлари ҳамда бошқа воситачилик ва хизмат харажатлари киради. ҳар бир харажат тури бўйича тижорат банкларида алоҳида баланс ҳисобварақлари очилади.

Хозирги кунда кўпчилик хизмат кўрсатувчилар тўловларни олдиндан тўлашни талаб этади. Агар ушбу харажатлар олдиндан тўланган бўлганда куйидаги тартибда ҳисобланган бўлар эди:

Дебет 19907 – “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар” ёки 19925 – “Олдиндан тўланган харажатлар”

Кредит Маблағ олувчининг ҳисобварағи

Хизмат кўрсатилгандан сўнг олдиндан тўланган тўлов харажатлар таркибига ўтказилади ва куйидагича ҳисобга олинади:

Дебет 55100- “Фоизсиз харажатлар”

Кредит 19907 – “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар” ёки 19925 – “Олдиндан тўланган харажатлар”

Банкнинг бошқа фоизсиз харажатларига асосий воситаларини ва бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар ҳамда бошқа фоизсиз харажатлар киради. Буларни ҳисобга олиш учун 55902- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар”, 55906- “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар”, 55995- “Бошқа фоизсиз харажатлар” ҳисобварақларидан фойдаланилади.

Банкнинг функционал фаолиятини таъминлаб берувчи харажатлари ҳисобланган операцион харажатлар банклар фаолиятида алоҳида ўрин тутadi. Операцион харажатларга юқоридаги саволлада кўриб ўтганимиздек, ходимларга бериладиган иш хақи ва бошқа тўловлар, ижара ва офисни таъминлаш, хизмат сафари ва транспорт харажатлари, маъмурий харажатлар, репрезентация ва хайрия ишлари, эскириш харажатлари, суғурта, солиқлар ва бошқалар, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш харажатлари киради. Ушбу харажатлар банк томонидан бошқариб боришга ҳаракат қилинади. Шу сабабли банкнинг юқори турувчи органи бир молия йили учун смета ишлаб чиқади. Смета амал қилиши даврида харажатларни банкнинг бош бухгалтери ёки унинг ёрдамчиси бошқариб туради.

Банк кейинги йил учун қилган харажатлари 19929- “Бошқа муддати узайтирилган харажатлар”, 19931- “Муддати узайтирилган солиқлар” ҳисобварақларида ҳисобга олинаиб, улар тегишли ҳисобот даври келганда харажатлар таркибига ўтказилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, банк даромадлари ва харажатлари маблағ кириб келиши ёки чиқиб кетишидан қатъий назар қайси ҳисобот даврига тегишли бўлса шу ҳисобот даврида акс эттирилади.

2.2. Тижорат банклари молиявий натижаларини аудит қилиш усуллари таҳлили

Ўзбекистон банклари ҳозирги кунда юқори риск шароитида ишлашга мажбур бўлмоқда. Авваламбор бу ўзининг молиявий аҳволини, молиявий натижаларини, яъни, фойдаси (зарари), даромадлари ва харажатларини тўлиқ тўғри баҳоламаётгани билан боғлиқ.

Тижорат банклари фаолияти натижаларини таҳлил қилишнинг республика амалиётида молиявий натижалар таҳлили бўйича ягона услубий кўрсатмалар мавжуд эмас. Шу сабабли тижорат банклари ўз фаолиятларини Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий меъёрлар асосида юритади.

Банк даромадлари ва харажатларини таҳлил қилишнинг хорижий услубиётини туғридан-туғри қўллаб бўлмайди ёки унчалик самара бермайди, чунки мамлакатимизда юритилаётган банк бухгалтерия ҳисоби ва тузилаётган молиявий ҳисобот шакллари ўртасида маълум бир фарқлар мавжуд.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон банклари учун маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда молиявий натижалар, даромад ва харажатларни таҳлил қилишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш ва қўллаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Молиявий таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланган банкларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилишнинг услубий асосларини ўрганишдан аввал молиявий таҳлил хусусида тўхталиб ўтсак.

А.Д. Шереметнинг фикрича “молиявий таҳлил” тушунчаси жуда кенг талқин қилинади, лекин чет эл ва миллий иқтисодий назарияда унинг моҳияти тўғрисида яқдил фикр йўқ. Иқтисодий таҳлил назариясида молиявий таҳлил бошқарув ва молиявий ҳисобнинг таркибий қисми сифатида қаралади.¹³

Шунингдек, А.Д. Шеремет молиявий таҳлилни олиб борилишига қараб икки гуруҳга яъни, ички ва ташқи молиявий таҳлилга бўлади. Ушбу фикр ҳозирги кунда олимлар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, биз ҳам уни қўллаб қувватлаймиз. Ички ва ташқи молиявий таҳлилнинг асосий йўналишларини кўриб чиқсак.

Ҳозирги кунда тижорат банкларининг ўзлари олиб бораётган ички молиявий таҳлилнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади: бизнес режаларнинг амалга оширилиши ва асосланишининг таҳлили; хўжалик фаолияти самарадорлигининг ялпи иқтисодий таҳлили; фойданинг мутлоқ кўрсаткичлари таҳлили; рентабелликнинг нисбий кўрсаткичлари таҳлили; ликвидлилик ва тўловга лаёқатлилик таҳлили; ўз капиталидан фойдаланиш

¹³ Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. - с. 8.

таҳлили; қарз маблағларининг таҳлили, иқтисодий меъёрларнинг бажарилиши таҳлили. Бунда асосий эътибор Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларнинг бажарилиши таҳлиliga қаратилади. Банклар ўз фаолиятини таҳлил қилишда молиявий ҳисобот шаклларида, оператив ҳисоб маълумотларида фойдаланади.

Фикримизча, ушбу илмий изланишлар йўналишида таҳлил ўтказиш жараёнида кенг маълумотлар базасидан фойдаланилсада, асосан у бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Хўжалик субъекти фаолият юритувчи муҳитдаги бошқа маълумотлар жумладан, молиявий бозорга тегишли бўлган ташқи маълумотлар манбаси таҳлилда деярли фойдаланилмайди. Банклар ички молиявий таҳлил жараёнида маркетинг тизимида таҳлил; кўрсатилаётган хизматлар ва банк маҳсулотлари таннархини таҳлили, уларнинг самарадорлиги таҳлиliga, банк даромадлари ва харажатлари таҳлиliga эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлади.


Ташқи молиявий таҳлил таркибига эътибор берадиган бўлсак, у ўз ичига ички молиявий таҳлилнинг кўп таркибий қисмини олади, лекин унинг вазифасига бизнес режаларнинг амалга оширилиши ва асосланишининг таҳлили, маркетинг тизимида таҳлил, хўжалик фаолияти самарадорлигининг ялпи иқтисодий таҳлили кирмайди. Ташқи молиявий таҳлилнинг вазифаси инвестицион таҳлил ва эмитентларнинг рейтинг таҳлили билан тўлдирилади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ички молиявий таҳлил хўжалик юритувчи субъектнинг ўз фаолиятини юритиш ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ташқи таҳлил эса улардан ташқарида жойлашганлар томонидан ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Биз олиб борилган тадқиқотларимизни кўпроқ ташқи молиявий таҳлилga қаратдик.

Замонавий тижорат банкида молиявий таҳлил фақатгина молиявий бошқарувнинг элементи эмас, балки унинг асосидир, чунки молиявий фаолият банкнинг асосий фаолиятидир. Уни бошқариш хох у анъанавий кредит операцияси, ҳисоб-китоб касса хизмати, пул маблағлари сақлаш ва

бошқа операциялар бўлсин таҳлилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга банк ишини турли хил рисклардан химоя қилувчи қонуний чекловлар, банклараро рақобатнинг кучлилиги каби банк фаолиятини тартибга солишнинг ташқи омиллари мавжудлиги таҳлил, аудит ва назорат каби бошқариш функциялари орқали улар ички тартибга солиниб турилади.

Авваламбор банкларда молиявий таҳлил объектлари бўлиб молиявий натижалар ва банк молиявий ҳолати кўрсаткичлари; молиявий бошқарув тизимининг самарадорлик кўрсаткичлари; банк хизматлари, операциялари, технологиялари самарадорлиги ва бошқалар ҳисобланади. Таҳлилнинг чуқурлашиб бориши билан унинг объектлари деталлашиб боради¹⁴ (2.3-рasm).



2.3-рasm. Тижорат банкларида молиявий таҳлил объектлари ¹⁵

Маълумки, тижорат банкларининг асосий мақсадларидан бири айрим чекловларни ҳисобга олган ҳолда ўзига керакли бўлган молиявий натижаларни олиш ҳисобланади.

Бундан келиб чиқиб банкни бошқариш мақсади молиявий ҳолатни сақлаб турган ҳолда керакли молиявий натижани олиш учун шароит яратиш ҳисобланади.

Чет элда, масалан АҚШда банк молиявий ҳолат таҳлиliga, уни ўтказиш тартиби ва кўрсаткичларига менежерларнинг турли хил поғонасида етарлича

¹⁴ Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. -256 с.: ил. 18 стр.

¹⁵ А.Д. Шеремет фикрлари инобатга олинган ҳолда муаллиф томонидан тузилди.

эътибор берилади. Лекин бу алоҳида бошқарув тизимида олиб борилади: активларни бошқариш, пассивларни бошқариш, капитални бошқариш, рискларни бошқариш. Бунда ҳар бир менежерлар гуруҳи ўз бўлимида олиб борилаётган ишлар самарадорлигига жавобгар бўлади. Молиявий таҳлилнинг бундай ташкил этилиши бошқариш билан боғлиқ бўлган рискларни диққат марказда бўлишни таъминлаб беради. Бутун банк бўйича молиявий ҳолат эса фақатгина молиявий ҳисобот асосида, шунингдек банк фаолияти тўғрисидаги унификацияланган ҳисобот маълумотлари асосида баҳоланади. Ушбу ҳисобот шакллари давлат федерал муассасалари ишлаб чиқади ва федерал даражада назорат олиб борилади. Ҳисоботларда банк активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек бошқа маълумотлар жорий чоракка ва ўтган 3 йилга берилади. Кўрсатиб ўтилган ҳисоботларнинг ютуғи турли хил тижорат банклари фаолияти кўрсаткичларини таққослаш имконияти ҳисобланади.

Банкларнинг молиявий натижаларини таҳлили жараёнида кўпгина усул ва услублар фойдаланилади. Биз уларнинг бир нечтасини кўриб чиқсак.

Масалан, В. Кромонованинг бошчилигидаги экспертлар томонидан ишлаб чиқилган услубиётнинг асосида қуйидаги алгоритм ётибди:

- бир хил турдаги даромадлар ва харажатларни бирлаштириш;
- баланс қонуниятини тавсифловчи коэффициентларни ҳисоблаш;
- банкнинг жорий ишонарлилик индексининг ҳисоби;
- рейтингда турли хил банкларни таққослаш ва жойлаштириш.

Россия Халқаро Саноатқурилишбанкнинг¹⁶ методикаси олдиндан кўйилган комплекслилик, асосланганлик, корректлилик ва келишилганлилик принциплари асосида қурилган. Методикада у ёки бу банкнинг даромадлари ва харажатларини характерловчи кўрсаткичларнинг рейтинг жадвалини тузиш имкониятини беради. Ушбу банк маълумотларидан инвестор ўзи учун

¹⁶ С.А. Веремеенко. Сюрпризы рейтинга коммерческих банков. “Банковское дело”, № 2, 1995.

керак бўлган банк тўғрисида тасаввурга эга бўлади ва бошқа банкларнинг ҳолати билан солиштириб, барқарор бўлган банкни танлашга ҳаракат қилади.

Авваломбор банк даромадларини таҳлил қилиш учун уларнинг умумий суммасини ҳисоблаб чиқиш керак. Бунда уларнинг ҳисобот даврида олинган суммасини, ҳамда турли хил банк операцияларидан олинган даромад турларидан келиб чиққан ҳолда уларни турларга ажратиш керак.

Банк даромадларини таҳлил қилишда ҳар бирининг умумий даромад суммасидаги улуши аниқланади. Даромад манбаларининг динамикаси ўтган даврлар бўйича яъни ой, чорак, йилларга нисбатан таққосланади. Барқарор ва ритмли банк даромадларининг ўсиши ишнинг яхши бораётганлигидан ҳамда малакали бошқарилаётганлигидан далолат беради.

Банкда молиявий натижалар таҳлилининг асосий вазифаларини ҳал қилиш уни тегишли даражада ташкил қилишсиз амалга ошириб бўлмайди, ва авваломбор таҳлил мақсадларини аниқлаб олиш, аналитик масалаларни қўйиш, уларни амалий ҳал қилишнинг усулларини аниқлаш лозим.

Фикримизча тижорат банкларида молиявий натижалар таҳлилининг мақсади - фойдани маромий ва барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда самарадорликни ошириб, рискларни ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш борасидаги банк фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Молиявий натижалар таҳлилининг тўғри ташкил қилиш турли хил бўлинмалар ва бажарувчилар томонидан ишларнинг қайтарилмаслигини таъминлайди; унинг долзарб масалаларини қўйишга имкон беради; таҳлилнинг юқори самарадор бўлиши ва жамланган бўлишини таъминлайди.

Фикримизча молиявий натижалар таҳлилининг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ёндашувлар илмийлиги, тизимлилик, изчиллик, жамланганлик, объективлик, конкретлик, режалилик, оперативлик.

Замонавий банкнинг самарали бошқаруви молиявий натижага таъсир этувчи барча компонентларни комплекс чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда келишиб бошқаришни ўз ичига олади. Таҳлил натижасида фойдани

ошириш заҳираларини аниқлашга олиб келади ва у асосида кейинги ишни олиб бориш юзасидан таклифлар беришга замин яратади. Бундан келиб чиққан ҳолда қўйилган мақсад қўйидаги асосий вазифаларни бажарилишини назарда тутади:

- якуний молиявий натижага турли ҳил омилларнинг таъсири оқибатларини ва сабабларини таҳлил қилиш;
- банкнинг объектив ҳолатини акс эттирувчи назорат аналитик кўрсаткичларни аниқлаш;
- қонунчилик талабларига риоя қилиш ва риск омилларининг таҳлили;
- воқеалар ривожланиш мумкин бўлган вариантларни прогнозлаштириш;
- танланган стратегияни асослаш ва инновацион қарорларни жорий этиш.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишда банкда аналитик ишни бир нечта босқичларда ташкил этиш зарур. Улар бир-биридан вазифалари, таркиби ва иш ҳажми, таҳлил қилинаётган маълумотлар ҳажми ва ўтказиш муддатлари билан фарқ қилиши лозим.

Уларни ташкил қилишнинг ўзига хослиги шундан иборат бўлиш керакки, бошланғич босқичдан охирги босқичга, оддийдан мураккабликга қараб ҳаракат қилиш керак. Хар бир ўтган босқич кейингиси учун асос бўлиши ва хар бир кейинги босқич олдингисининг мантиқий якуни бўлиши лозим. Вазифаларни қўйишда ўзаро бир-бирини истесно этмовчи ва тўлдирувчи тавсифларга эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Банкларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилишни дастлабки босқичдан бошлаш керак. Унда кейинги аналитик ишни олиб бориш учун бирламчи маълумотлар базаси тайёрланади ва у кейинги ҳаракатларнинг мақсадлилигини баҳолаш имконини беради.

Кейинги босқич аналитик босқич ҳисобланади, унда миқдорий ва нисбий кўрсаткичлар аниқланади ва таққосланади, омилларнинг таъсири аниқланади.

Иқтисодчининг баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилишдаги асосий вазифаси банкнинг барча фаолият турлари тўғрисида комплекс хулосани шакллантириши керак. Шунингдек, молиявий ҳолат ва фаолият натижасини ўрганишга тизимли ёндашиш талаб этилади.

Бу ҳисоботни таҳлил қилиш услубиётини ишлаб чиқишга ундайди. Бундай ёндашув таҳлилчиларни молиявий ҳисоботда берилаётган маълумотларнинг сифатига, мазмунига, таҳлил ва бошқарув учун яроқлигига алоҳида беришни талаб этади.

Амалдаги бухгалтерия ҳисоботи ҳозиргача асосан бир гуруҳ фойдаланувчиларга, асосан солиқ идоралари талабини қондириш учун йўналтирилган. Чунки бухгалтерия ҳисоби асосан солиқ қонунчилигига асосланади ва солиқ ҳисоби манфаатларини кўзлаб юритилади. Уларнинг талаби бошқа фойдаланувчиларнинг манфаатларига зарар келтиради ва ташқи молиявий таҳлилни амалда қўллаш самараси пасайтиради.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида молиявий натижаларни таҳлил қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Тижорат банкларининг малакали бухгалтерия ходимлари билан таъминламаганликлари. Малакали ходимларга эҳтиёж янги ташкил қилинган тижорат банкларида кузатилаяпти. Банкларнинг бевосита иштирокисиз ушбу муаммони ҳал қилиш анча мушкул. Бунда чет эл маслахатчилари, турли хил банк ассоциациялар ҳамкорлигисиз малакали бухгалтерия ходимларини тайёрлаш анчагина қийин.

2. Ҳозирги кунда банк амалиётида пайдо бўлаётган бухгалтерия мутахассислиги тўғрисидаги фикрларнинг ўзгариши. Агар авваллари бухгалтерия ҳисоби ҳисоб юритишга тенглаштирилган бўлса, ҳозирда у фақат ҳисоб юритиш эмас, балки ҳисоб маълумотларини таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда қатнашишни ўз ичига олади. Банк персоналини рейтинг баҳолашда таҳлилда ва банкни бошқаришда иштирок этишини эътиборга олиниши керак. Бу ҳолатни тижорат банкларимизда

фаолият олиб бораётган бухгалтерларимиз фаолиятида кузатиш қийин. Банк бухгалтерларининг кўпчилиги кўпроқ операционистлар сингари иш юритади.

3. Маълумотларни узатишнинг техник жихозланиши, телекоммуникациялар ва банк маълумотларига қалбаки ҳужжатларнинг кириб келишидан ҳимоя етарли даражада эмаслиги, банк хавфсизлиги даражасининг пастлиги. Бундан айрим банкларнинг банк сирини таъминлай олмаслиги, ҳозирги кунда банк сирини давлат сиёсати даражасида чиқарилишга ҳаракат қилинаётган бўлсада, аслида бундай эмас. Чет эл амалиётининг кўрсатишича банк соҳасидаги жинойтларнинг 60 %и банк персонали томонидан амалга оширилади.

4. Айрим аудиторлик фирмаларининг банк бухгалтерияси соҳасида профессионализм даражасининг пастлиги, уларнинг банк ҳисоб операцияларини яхши билмаслиги, текширув натижалари сифатига жавобгарликнинг йўқлиги. Банк инфраструктураси фақатгина ҳисоботни тасдиқлаши эмас, балки бошқарув сифатини, риск даражасини, ликвидлигини, даромадлиликни таҳлил қилиш асосида банк менежментини баҳолаш керак.

5. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жамоатчиликка банк фойдасининг миқдори тўғрисида маълумот бериб қолмай, балки унинг шаклланиш манбалари тўғрисида ҳам маълумот бериб борилади. Улардан фарқли равишда Ўзбекистонда банк фаолиятининг натижалари тўғрисида маълумотга эга бўлиш қийин, фақатгина матбуотда эълон қилинаётган йиллик молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу маълумотлар банкнинг молиявий ҳолатини батафсил таҳлил қилиш имкониятини бермайди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики тижорат банкларида молиявий натижаларни таҳлил қилишда марказий ўринни банклар томонидан олинаётган даромад ҳажми ва сифатини ўрганиш туради. Сабаби у ўз навбатида кредит ташкилотларида фойдани шаклланишининг асосий омили ҳисобланади. Даромадларнинг камайиши банкда молиявий

кийинчиликлар келиб чиқишини кўрсатиб берувчи индикатор вазифасини бажаради. Айнан мана шу ҳолат ҳам банк молиявий натижаларни ўрганишда ялпи даромадни таҳлил қилиш зарурлигини белгилаб беради.

Банк даромадлари таркибини таҳлил қилишда фоизли ва фоизсиз даромадларни горизонтал ва вертикал таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

3.1-жадвал

АТ “Агробанк”нинг даромадлари таркиби ва динамикаси таҳлили¹⁷

Даромад турлари	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	млн. сўм	улуши фоизда	млн. сўм	улуши фоизда	млн. сўм	улуши фоизда
Фоизли даромад	61799	51,5	91449	54,6	122858	57,2
Фоизсиз даромад	58113	48,5	75986	45,4	92028	42,8
Жами даромад	119912	100,0	167436	100,0	214886	100,0

3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики АТ “Агробанк”нинг умумий даромадлари йилдан йилга ўсиб борган ва 2009 йилда 214886 млн. сўмни ташкил қилган. Банкнинг фоизли даромадлари 2009 йилда 122858 млн. сўмни ташкил қилиб, яъни жами даромаднинг 57,2 фоизини ташкил қилган. Банкнинг фоизсиз даромадлари 92028 млн. сўмни ёки жами даромаднинг 42,8 фоизини ташкил қилган. Таҳлил АТ “Агробанк” даромадлари таркибидаги структуравий ўзгаришни кўрсатмоқда, яъни фоизли даромадлар кўпайиш тенденциясига, фоизсиз даромадлар камайиш тенденцияга эга. Фоизли даромадлар жами даромаддаги улуши 2004 йилда 44,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилда 57,2 фоизга ўсган. Банк фоизсиз даромадлари шу давр ичида 55,8 фоиздан 42,8 фоизга камайган. Бу банкнинг шу йилларда фоизли даромад келтирувчи банк операцияларидан самарали фойдаланмаганлигини кўрсатиб турибди.

3.2-жадвал маълумотларига эътибор берсак АТ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг даромадлари 2004 йилдан 2006 йилгача камайиб борган, 2007

¹⁷ Банк ахборотномаси газетаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

йилдан бошлаб кўпайиб 2009 йилда 36281 млн. сўмни ташкил қилган. 2004 ва 2005 йилларда банк даромадида таркибида фоизли даромад улуши 85,5 фоиз ва 81,0 фоизни ташкил қилган, 2006, 2007, 2008 йилларда фоизли даромад кескин камайиб кетиши ҳисобига (43,0 фоиз улушга эга бўлган) банк даромади ҳам камайиб кетган. Бунинг асосий сабаби банк активлари таркибида муаммоли активларининг кўпайиб кетганлигидир. 2009 йилда банкнинг фоизли даромадлари кўпайиб 23180 млн. сўмни яъни жами даромаднинг 63,9 фоизни, фоизсиз даромадлари 13101 млн. сўмни яъни жами даромаднинг 36,1 фоизни ташкил қилган. АТ “Қишлоқ қурилиш банк” фоизли даромадни янада кўпайтириш керак.

Умуман олганда банкларнинг асосий операциялари фоизли даромад билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтирса ва унинг даромад таркибидаги улушини 65-70 %га етказса мақсадга мувофиқ бўлади.

3.2-жадвал

АТ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг даромадлари таркиби ва динамикаси таҳлили¹⁸

Даромад турлари	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	млн. сўм	улуши фоизда	млн. сўм	улуши фоизда	млн. сўм	улуши фоизда
Фоизли даромад	11821	45,3	17453	48,6	23180	63,9
Фоизсиз даромад	14253	54,7	18491	51,4	13101	36,1
Жами даромад	26074	100,0	35944	100,0	36281	100,0

Банк даромадларининг умумий ҳолати таҳлил қилингандан сўнг уларни ташкил қилувчи фоизли ва фоизсиз даромадни ўрганиш мақсадга мувофиқ.

АТ “Агробанк”нинг фоизли даромадлари йилдан йилга кўпайиб борган ва 2009 йилда 122858 млн. сўмни ташкил қилган. Унинг асосий қисмини, яъни 99,3 фоизини кредитлар бўйича фоизли даромад ташкил этади. Қолган фоизли даромадлар: ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромад 0,6 фоизни, сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестициялар бўйича фоизли даромад 0,1 фоизни ташкил қилади. Бундан

¹⁸ Банк ахборотномаси газетаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

банкнинг асосий фаолияти мижозларни кредитлашга йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Лекин банкнинг молиявий бозордаги фаолияти анча суствлигини кўриниб турибди. Банк ушбу йўналишдаги фаолиятини ривожлантиса мақсадга мувофиқ бўлади. Банк фоизли даромадлари диверсификацияси жуда паст.

Тижорат банкларининг фоизли даромадларини таҳлил қилишда шунингдек, қуйидагиларни ўрганиш мақсадга мувофиқ: фоизли даромадларни таҳлил қилишда фоизли даромад келтирувчи банк активлари таркиби ва ўзгариш даражасини; уларни олинган даромад даражаси билан солиштириш; банк актив операциялар бўйича умумий фоиз ставкасининг ўзгаришини аниқлаш; банк томонидан амалга оширилаётган актив операциялари бўйича фоиз ставкаси даражаси ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Банкларда фоизсиз даромад таркиби ўрганилганда асосий эътибор ҳар бир фоизсиз даромаднинг жами фоизсиз даромад таркибидаги улуши ва динамикасига қаратилади. Фикримизча, банкларда молиявий натижалар таҳлил қилинганда фоизсиз даромадлар таҳлилида қуйидагиларга эътибор бериш лозим: нисбатан фойдали бўлган хизмат турларини аниқлаш керак; кўрсатилаётган хизматлар бўйича фойдаланилаётган тарифларни белгилаш усулларини баҳолаш; кўрсатилаётган хизматларнинг ҳақиқатдаги таннархини ўрганиш; хизматлар таннархини аниқлаш бўйича услубий таъминотни баҳолаш; кўрсатилаётган хизматлар нархи даражаси ва сифати учун ходимларни рағбатлантириш тизими самарадорлиги аниқлаш керак.

АТ “Қишлоқ қурилиш банк” фозсиз даромадлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб борган. Банкнинг асосий фоизсиз даромади воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тўлашдан олинган даромадидир. 2009 йилда унинг фоизсиз даромаддаги улуши 92,7 фоизни ташкил қилган. Дивиденд кўринишдаги даромади ўтган йилдагига нисбатан ошган.

АТ “Агробанк” ва АТ “Қишлоқ қурилиш банк”лар фоизли даромади таркибида савдо, валюта операцияларидан кўрилган фойда, дивидендлар

шаклидаги даромад, инвестициялардан кўрилган фойда, қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналар фойдасини кўпайтирса мақсадга мувофиқ.

Банк харажатларини таҳлил қилишда уларни фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларга бўлинган ҳолда ўрганиш лозим. Банк харажатлари таҳлил қилинаётганда уларни умумий таркиби бўйича кўриб чиқиш керак ва харажатнинг ҳар таркибини, яъни фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларнинг таркибини ўрганиш керак. Авваламбор банкнинг жами харажатлари таркиби ва динамикаси ўрганилади.

Фоизли харажатлар одатда харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Улар асосан маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Банкнинг фоизли харажатларини таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- фоизли харажатларнинг банк жами харажатлари таркибидаги улушини баҳолаш;

- жалб қилинган маблағ қолдиқлари ўзгариши, ва уларнинг ўртача фоиз ставкаси ўзгаришининг фоизли харажатларга таъсирини ўрганиш.

Албатта банк фоизли харажатларининг ўзгарганлиги банк учун яхши натижа бердими ёқми, юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш қийин. Сабаби фоизли харажатлар жалб қилинган маблағлар миқдорига ва улар бўйича тўланаётган фоиз ставкасига қараб ўзгариб боради. Шу сабабли банкнинг фоизли харажатларини таҳлил қилишда жалб қилинган маблағлар миқдорининг ўзгаришига эътибор қаратиш лозим.

АТ “Агробанк”нинг мажбуриятлари 2009 йилда 1204705 млн. сўмни ташкил қилган, бу ўтган йилга нисбатан 376878 млн. сўмга кўп. Жалб қилинган маблағларга мос равишда фоизли харажатлар 12529 млн. сўмга кўпайган. Банкнинг ресурс базаси нисбатан арзон депозитлар ҳисобига шакллантирилганлиги кўриш мумкин. Жалб қилинган маблағларга тўланган ўртача фоиз ставкасига эътибор берсак жамғарма депозитлар бўйича 2009 йилда 26,8 фоизни ташкил этган. Бу банкда жисмоний шахсларнинг депозитларидан кенг фойдаланганлигидан далолат беради.

АТ “Қишлоқ қурилиш банк” мажбуриятлари таркибида талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлар, муддатли депозитлар, бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар салмоғи юқори. Фоизли харажатлар ҳам мос равишда юқори салмоққа эга.

Банклар молиявий ҳисоботда ҳисобот элементларини тўлиқ ва тўғри акс эттирса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек ҳисобот моддалари таркибидаги бошқа даромадлар, бошқа харажатлар элементлари таркибида бирор бир операция салмоғи жамига нисбатан 3 % дан ортиқ бўлса молиявий ҳисоботда алоҳида модда сифатида киритса, молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги ошар эди.

Хулоса қилиб айтганда банкнинг фоизли харажатлари жалб қилинган маблағлар хажми ва фоиз ставкаси билан тўғридан –тўғри боғлиқ бўлади.

Банк харажатларининг асосий қисмини фоизли харажатлар ташкил қилади, уларнинг ўзгариб туриши жуда кўп омилларга боғлиқ. Жумладан, банкнинг депозит сиёсати, инфляция даражасига, инвестицион муҳитга, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига, пул бозоридаги ҳолатга ва ҳ.к.

Умуман олганда банкнинг фоизсиз харажатларини таҳлил қилишда уларнинг таркиби, динамикаси ва сметага мос келиши текширилади.

Банк операцион харажатлари таҳлил қилинаётганда уларнинг таркиби ўрганилиб, ҳар бир харажат элементи алоҳида таҳлил қилинса мақсадга мувофиқдир.

3.3-жадвал

АТ “Агробанк” операцион харажатлари таҳлили¹⁹

Операцион харажатлар	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да
Ходимларга тўланадиган иш ҳақи ва бошқа харажатлар	32042	50,8	46526	53,9	55571	51,5
Ижара ва сақлаб туриш харажатлари	2428	3,8	1617	1,9	2359	2,2
Транспорт ва хизмат сафари	748	1,2	933	1,1	1169	1,1

¹⁹ Банк ахборотномаси газетасида 2005-2010 йилларда АТ “Агробанк” (АТ “Пахтабанк”))нинг “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

	харажатлари						
	Маъмурий харажатлар	13132	20,8	12509	14,5	16399	15,2
	Асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг эскириши	5952	9,4	6352	7,4	6611	6,1
	Суғурталаш харажатлари, солиқ ва бошқа тўловлар	7536	11,9	9486	11,0	13757	12,8
	Эҳтимолий зарарлар учун захирани баҳолаш	-44	-0,1	0	0,0	0	0,0
	Бошқа операцион харажатлар	1313	2,1	8971	10,4	12002	11,1
	Жами операцион харажатлар	63108	100,0	86393	100,0	107868	100,0

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики банк харажатлари таркибида анъанавий тарзда банкнинг бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари юқори салмоқга эга ва ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан кейинги ўринда туради. Таҳлил жараёнида ушбу харажатларни банк хизматлари таннархига қўшиладиган ва банк фойдаси ҳисобига амалга ошириладиган харажатларга бўлиш керак. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибида уларнинг улуши ҳар бирининг кўрсатилган мақсадларга қилинган банк харажатларининг салмоғини кўрсатади.

Бошқарув харажатларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор берилса кадрлар сиёсатининг самарадорлигига баҳо бериш мумкин бўлади:

- банк кадрлар сиёсатининг амалга оширилишига улар қандай таъсир кўрсатапти;
- банк мақсадларига эришишда амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизими қандай рол ўйнайди;
- банк стратегик мақсадлари билан ходимларнинг моддий манфаатдорлиги уйғунлигини қай даражада таъминлаётганлигини;
- ижтимоий имтиёзлар ва мукофотлар ҳар бир ходимга меҳнатга ҳақ тўлашга мотивли ва танланган ҳолда ёндашиладими ёки барчага бир ҳилми.

Банк даромадлари ва харажатларини таҳлил натижаларини хулосалашда биз таниқли олим А.Д. Шеремет фикрларига қўшилган ҳолда банк томонидан тўланадиган жарималар, пенялар тўғри ҳисобланганлиги ва асосланганлигини таҳлил қилишда қайси тартиб бузарликлар, хатолар йўл қўйилаётганлиги кўпроқ бўлганлигини аниқлаш лозим деб ўйлаймиз.

Шунингдек, бунда ким томонидан камчиликлар йўл қўйилганлиги ва сабаби ўрганилиши керак.

Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун заҳираларни яратиш харажатлар ҳисобига амалга оширилади. Буларни таҳлил қилиш жараёнида банкнинг кредит қарздорлиги бўйича қайсилари яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз сифатида таснифланган ҳамда қайсилари яратилган заҳиралар ҳисобига ёки бошқа манбалар ҳисобига қопланган. Таҳлил жараёнида шунингдек, заҳиралар кўпайтирилган ёки камайтирилган сабаблар ўрганилиши керак.

Банк харажатларини таҳлил қилишнинг яна бир йўналиши сифатида пассивлар ва активларни шакллантириш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган харажатларни ўрганишни киритиш мумкин. Банк харажатларининг асосий қисмини банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган харажатлар эгаллайди.

Банк пассивларини ўз маблағларига ва жалб қилинган маблағларга бўлиш, маблағларнинг қайсилари тўловли ва текин эканлигини аниқлаш имконини беради. Ва бу ўз навбатида маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг хажми ва структурасини белгилайди.

Ўз маблағлари таркибидаги устав капитали, фондлар, заҳиралар ва фойда банк учун текин манба ҳисобланади, чунки уларга олдинги даврларда тўловлар тўлаб берилган. Шунингдек, ушбу маблағлар ҳисобидан ҳам харажатлар қилиниши мумкин.

Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, банкнинг ўз маблағларини иммобилизация қилиш банк бутун ресурс базасини қисқаришига олиб келиши ва уларни тўлдиришга унданда кўпроқ харажатлар қилиниши мумкин.

Ресурсларни жалб қилиш бўйича харажатлар суммаси асосан унинг турига ва муддатига, банк менежменти даражасига ва бозор конъюктурасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам таҳлил қилиш даврида ресурсларни жалб қилиш усули ва муддатининг банк харажатларига таъсирини баҳолаш керак;

ҳар бир жалб қилинган ресурснинг жамидаги салмоғини аниқлаш; қимматроқ бўлган ресурсларнинг улушини аниқлаш; ҳар бир харажат турининг унга мос жалб қилинган маблағлар билан солиштириб кўриш керак. Ушбу таҳлилни банкнинг ички маълумотлари асосида олиб борса бўлади.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, банк даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш банк фаолиятини молиявий таҳлил қилишнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

3-боб Молиявий натижаларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўллари

3.1. Тижорат банкларининг якуний молиявий натижаси ва унинг ҳисоби

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойда олиш мақсадида олиб боради, шу жумладан тижорат банклари ҳам.

Банклар ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти қонуниятлари амал қилиб, банклараро рақобатнинг кучайиб бориши шароитида ҳар бир мижоз учун кураш олиб борган ҳолда янги банк хизматлари бозорларида ютиб чиқишга ҳаракат қилади. Тижорат банклари банк хизматлари бозорида кредит, касса-ҳисоб-китоб, валюта, воситачилик, маслаҳатчилик, траст ва бошқа банк операцияларини амалга ошириб, улардан даромад олишга интилади. Олинган даромад ҳар доим ҳам қилинган харажатларни қопламайди, бу фаолият натижаси зарар билан чиққанлигини англатади. Бу кўпчилик ҳолатларда банк фаолиятида маълум бир қийинчиликларни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан тижорат банки фаолияти зарар билан чиқиш сабабларни ўрганиш, унинг аниқ суммаларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Банк фаолиятини таҳлил қилиш, бошқариш ва режалаштиришда банк фаолиятининг молиявий натижасини ижобий бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шундай бўлсада банк фаолияти натижаси салбий бўлган ҳолатлар юзага келиш олдини олиш, унинг оқибатларини тўғирлаш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши кераклиги аниқланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, банк фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган фойда банк асосий фондларининг янгиланиши ва кўпайиши асоси, ўз капиталининг кўпайиши, ва банкнинг тўловга лаёқатлиги ва ликвидлилигини таъминлаши, молиявий барқарорлиги, дивиденд тўлаш имконияти, банк хизматлари сифатини ошириш ва ривожлантиришга замин яратади. Шунинг учун ҳам якуний молиявий натижалар ҳисобини тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги саволда кўрганимиздек, банкларда молиявий натижалар ҳисоби унинг шаклланиши ва тақсимланиши жараёнини ҳисобга олиб боради. Молиявий натижаларнинг шаклланиши банк операцияларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган даромад ва харажатларни ҳисобга олишдан бошланади. Банк даромади ва харажатларни ўзаро солиштириш орқали банкнинг қандай натижага эришилгани кўринади.

Ҳозирги кунда банк амалиётини тадқиқ қилиб кўрадиган бўлсак, тижорат банкларида якуний молиявий натижа яъни фойда ёки зарар ҳисобот йилининг охирида ўсиб бориш тартибида даромадлар ва харажатлар ҳисобварақларини ёпиш орқали аниқланади.

Банкларда икки ҳил: тақсимланмаган фойда ва жорий йил соф фойдаси фарқланади. Буларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг “Капитал” бўлимида 31203- Тақсимланмаган фойда, 31206- Соф фойда (зарар) баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади. Иккала ҳисобварақ ҳам мазмун жиҳатидан актив-пассив ҳисобварақдир, уларнинг дебетида ҳам, кредитида ҳам қолдиқ ҳосил бўлиши мумкин. Ҳисобварақнинг дебетида қолдиқ ҳосил бўлганда банк фаолияти зарар билан якунланади, кредитда қолдиқ ҳосил бўлса банк фойда кўрган бўлади.

Жорий йил соф фойдасини ҳисобга олиш учун 31206- Соф фойда(зарар) баланс ҳисобварағидан фойдаланилади, унинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда, нотўғри эълон қилинган ва қайтарилган дивидентлар ҳамда “Тақсимланмаган фойда” ҳисобварағига ўтказиладиган зарарлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида эса, тўланадиган дивидентлар, заҳира капиталига ўтказиладиган сумма, ҳисобот йилида кўрилган зарар ҳамда “Тақсимланмаган фойда” ҳисобварағига ўтказиладиган фойда суммаси акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб соф фойда ва дивидендлар ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Масалан, А банк 2009 йил якунида 42100 млн. сўм даромад олди ва 38240 млн. сўм харажат қилди. Банкнинг даромадлар ва харажатлар

ҳисобварақлари ҳисобот йили охирида ёпилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади:

Дебет 40000 Даромадлар 42100 млн. сўм

Кредит 31206 – “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” 42100 млн. сўм

ҳамда

Дебет 31206 – “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” 38240 млн. сўм

Кредит 50000 Харажатлар 38240 млн. сўм

Бундан кўриниб турибдики банкнинг жорий йил соф фойдаси $42100 - 38240 = 3860$ млн. сўмни ташкил этди.

Банк фойдасини тақсимлаш меъёрий ҳужжатлар ҳамда банк таъсис ҳужжатларига асосан ўтказилади. Бунда банк фойдасидан турли ҳил захира фондлари, махсус фондлар яратилади, дивидендлар, солиқлар тўланади, шунингдек, банк таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланади.


Банк томонидан ҳисобот йилида олган фойдасининг тақсимланмай қолган қисми ёки кўрган зарари 31206 – “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” баланс ҳисобварағидан 31203 – “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)” ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу ҳисобварақда жорий ва ўтган йилларда тақсимланмай қолган фойда(зарар), ҳар хил фондлар учун ажратмалар, эълон қилинган дивидентлар суммаси ва банк фойдаси ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирлар суммаси акс эттирилади. Юқорида кўриб ўтилган ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики ҳозирги кунда тижорат банкларининг фойдаси қуйидаги йўналишларда фойдаланилаяпти:

- таъсисчилар ўртасида тақсимланаяпти;
- акциядорларга дивиденд сифатида берилаяпти;
- бюджетга тўловлар амалга оширилаяпти;
- банк ходимлари ўртасида тақсимланаяпти;
- банк капитали миқдори оширилаяпти (капитализация қилинаяпти);

- банкнинг махсус ва умумий заҳира фондлари яратилаяпти.

Банк фойдасини ишлатилишини биз қуйидаги чизма орқали ифодалаймиз.



3.1-расм. Банк фойдасининг тақсимланиши.²⁰

3.1-расмдан кўриниб турибдики банк фойдасини тақсимлаш икки хил йўналиш бўйича амалга оширилган:

- фойданинг тақсимланадиган қисми;
- фойданинг жамғариладиган қисми.

Банк ихтиёрида қолган соф фойданинг тақсимланадиган қисми, аввало фойда ҳисобидан тўланадиган мажбуриятларга сарфланади. Тижорат банклари ўз таъсисчиларига ва акциядорларига ўз фаолиятлари натижасида олган фойдасини дивиденд ёки улуш кўринида беради. Бунда агар банк акциядорлик жамияти сифатида фаолият олиб бораётган бўлса дивиденд тўлайди, агар таъсисчилар улуш қўшиш орқали банкни ташкил қилган бўлса улар улуш сифатида ўз фойдасига эга бўлади. Ҳозирги кунда банк амалиётида таъсисчилар олаётган улуш ҳам дивиденд сингари ҳисоб-китоб қилинади.

Банклар акциядорлик жамияти сифатида фаолият олиб бориб устав капиталини шакллантиришда муомалага оддий ва имтиёзли акцияларни

²⁰ Муаллиф томонидан тузилди

чиқаради. Улар бўйича тўланадиган дивидендлар ҳам бир-биридан фарк қилади. Яъни оддий акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар банк фаолиятига боғлиқ бўлиб, акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан тўланади. Агар банк фаолияти салбий молиявий натижага эга бўлса акциядорлар даромадга эга бўлмайди.

Тижорат банкларида дивиденд тўланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳисобот йили якунлари бўйича банк акциядорларига йиллик дивидендлар ташқи аудиторлик текшируви томонидан фойда тасдиқлангандан кейин ҳамда капитални оширишга ажратмалар амалга оширилгандан сўнг тўланади.

Дивидендлар эҳтимолий зарарларни қоплаш захираси шакллантирилгандан кейин, Марказий банк талабларига мувофиқ тузатишлар амалга оширилгандан сўнггина тўланиши мумкин.

Акциялар бўйича дивидендларнинг тўланиши тўғрисида қарор қабул қилинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дебет 31203- “Тақсимланмаган фойда”

Кредит 29822 “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”

Ушбу ўтказма йиллик дивидендлар ҳисобга олинганда амалга оширилади. Агар оралиқ дивидендлар ҳисобланганда 31206- “Соф фойда (зарар)” ҳисобварағи дебетланади, яъни қуйидагича:

Дебет 31206- “Соф фойда (зарар)”

Кредит 29822 - “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”

Эълон қилинган дивидендлар тўланганда эса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет 29822- “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”

Кредит 10101- “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки акциядор – банк мижози ҳисобварағи.

Имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар банк фаолияти натижасига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли банк хоҳласа-хоҳламаса имтиёзли

акциялар бўйича дивидендларни белгиланган муддатларда тўлаб бериши лозим.

Агар эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун банкнинг жорий йил соф фойдаси етарли бўлмаса, банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ёки умумий заҳира фондидан тўловлар амалга ошириш мумкин. Бунда қуйидаги ўтказма бажарилади:

Дебет 30903 - “Умумий заҳира фонди”

Кредит 29822 - “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”

Юқорида қайд қилиб ўтканимиздек, банк фойдаси банк ўз капиталини кўпайишига замин яратади. Шу сабабли олинган фойда ҳисобига банк устав капитални доимий равишда кўпайтириб борилади. Сабаби фойда банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56 сон Қарорида банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида: тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ошириш, банкларни капиталлаштириш, уларнинг устав жамғармалари ва айланма маблағларини кўпайтириш, кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш белгилаб қўйилган.

Ушбу Қарордан келиб чиққан ҳолда банклар 2005-2007 йиллар ичида солиқлар тўлангандан сўнг, қоладиган соф фойдадан капитални оширишга қуйида келтирилган ажратмалар меъёри белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда ажратмаларни амалга оширишлари лозим бўлган:

а) левераж коэффициенти 0,15 гача бўлганда (0,15 ҳам киради) - фойдадан 30 фоиз;

б) левераж коэффициенти 0,15 дан 0,30 гача бўлганда - фойдадан 20 фоиз;

в) левераж коэффициенти 0,30 ва ундан юқори бўлганда - фойдадан 10 фоиз.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670 сон Қарори банк капиталини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса тижорат банкларига, йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, банк фойдасининг камида 30 фоизини банк акциядорлик капиталини кўпайтиришга йўналтириш тавсия этилгани жаҳон молиявий инқирози кутилаётган бир давр учун айтиш муддао бўлади.

Соф фойда ҳисобидан капитални кўпайтиришга ажратмалар ажратилганда қуйидаги ўтказма бажарилади:

Дебет 31206- “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)

Кредит 30903- “Умумий захира фонди”

Фикримизча, жаҳон иқтисодиётида барқарорлик йўқ экан банк фойдаси ҳисобидан капитални оширишга Марказий банк томонидан қўйилган талабларни йиллик мажбурий талаблар рўйхатига олинса ва бу доимий равишда амалга оширилиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги кунда банк фойдасини ишлатилишининг яна бир йўналиши бу имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантиришдир. Тижорат банклари Имтиёзли кредит бериш жамғармасини деҳқон ва фермер хўжаликлариغا, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш билан банд бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига, шунингдек юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредит ва микрокредитлар бериш учун ташкил этади. Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва

ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сон Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган “Тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ташкил этилади. Жамғарма маблағлари банк фойдасининг 25 фоизгача миқдорини ажратиш ҳисобига шакллантирилади.

Бунда имтиёзли кредит бериш жамғармасига ажратмалар ҳар чоракда банкнинг бизнес-режасида назарда тутилган солиқлар тўлангандан сўнг ҳар чоракдаги соф фойданинг прогноз суммасидан келиб чиққан ҳолда ажратилади. Ушбу ҳолатда ажратма куйидаги ўтказма билан расмийлаштирилиши керак:

Дебет 31206- “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)

Кредит 30904- “Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш заҳира фонди”

Тадқиқот натижаларига асосан шуни қайд этиб ўтиш керакки, 2000 йилда ишлаб чиқилган юқоридаги Низомда банк томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобига кредит беришдан олинган даромадлар, ушбу Жамғарма ресурсларини кўпайтиришга мақсадли йўналтирилган тақдирда, 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиниши қайд этилган. Бу 2005 йилга келиб ушбу муддат тугаганлигини солиқ органлари эътироф этган ҳолда мақсадли йўналтирилган маблағлардан ҳам солиқ тўлашни талаб қилишмоқда. Фикримизча, Имтиёзли кредит бериш жамғармаси кўпайтиришга йўналтирилган маблағлар бўйича белгиланган муддат ушбу маблағ жамғарма ҳисобрақамига тушгандан бошлаб кейинги 5 йилга сақланиб қолиши керак.

Имтиёзли кредит бериш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳаракати 30904- “Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш заҳира фонди” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Агар ҳисобварақ режасида ушбу ҳисобвараққа берилган таърифга эътибор берадиган бўлсак, ҳисобварақда банкнинг тақсимланмаган фойдасидан кичик корхоналарни кредитлашга

ажратилган маблағлар ҳисоби олиб борилиши керак. Аслида ушбу жамғарма маблағларидан фақат кичик корхоналарни эмас, балки кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам кредитланади. Шу сабабли ҳисобварақни “Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш махсус жамғарма фонди” деб номласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, юқорида қайд этиб ўтканимиздек, имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасига пул маблағлари ҳар чоракда бизнес режада назарда тутилган солиқлар тўлангандан кейин ажратилади. 30904 ҳисобварақ таърифида эса ажратмалар тақсимланмаган фойда ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бунга асосан куйидаги ўтказма бажарилиши лозим:

Дебет 31203- “Тақсимланмаган фойда” (актив-пассив)

Кредит 30904- “Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш заҳира фонди”

Агар юқоридаги келтирилган ўтказма билан таққослаб кўрадиган бўлсак, улар ўзаро мос келмайди. Шу сабабли Имтиёзли кредит бериш жамғармасига ажратмалар жорий йил соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилганлиги учун ҳисобварақлар режасида 30904 ҳисобварақга келтирилган таърифда банкнинг жорий йил соф фойдаси ҳисобидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларни имтиёзли кредитлашга ажратилган маблағлар ҳисобга олинади деб берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Банк акциядорлик жамияти сифатида фаолият олиб борса унда фойда тақсимотининг асосий хусусиятларидан яна бири шундаки, улар бошқа мулкчилик шаклидан фарқли ўлароқ резерв капитали ташкил қилишлари лозимлиги Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилган. Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ “...акциядорлик жамиятларида устав капитали ҳажмининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида резерв капитали ташкил қилинади. У ҳар йилги соф фойдадан энг камида 5 фоизини белгиланган миқдорга етмагунча ажратмалар ҳисоблаш кўринишида

шаклланади ва хўжалик фаолиятида вужудга келган зарарларни қоплаш ҳамда қимматли қоғозлар бўйича дивиденд тўлашга сарфланади”. Бу ажратмалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 31203- “Тақсимланмаган фойда” (актив-пассив)

Кредит 30903- “Умумий заҳира фонди”

Банкнинг заҳира фонди кўрилган зарарларни қоплаш, банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади. Шунингдек, акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича банкларда фойда ҳисобидан бошқа фондлар ташкил қилиш мумкин. Ташкил қилинган фондларда ҳар бир мақсад учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади ва унда маълум мақсадлар учун маблағлар кирими ва чиқими акс эттирилиб борилади.

Кўриб ўтилган умумий заҳира фондига ажратмаларга қонунчиликда белгиланган меъёрлар фақат акциядорлик жамиятлари учун эмас балки бошқа мулкчилик шаклидаги банкларга ҳам жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Банк фойдаси ҳисобига ташкил этиладиган фондлардан яна бири девальвация учун заҳира фондидир. Ушбу фонд маблағлари 30906- “Девальвация учун заҳира” ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Ҳисобварақда сезиларли даражада миллий валютанинг қадрсизланишида (девальвация) банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағларининг ҳисоби олиб борилади. 30906 ҳисобварағига маблағлар ўтказилганда қуйидаги ўтказма бажарилади:

Дебет 31203- “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)

Кредит 30906- “Девальвация учун заҳира”

Тижорат банкларида салбий якуний молиявий натижа яъни зарарни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг “Капитал” бўлимида 31203-

Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар), 31206- Соф фойда (зарар) баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда молиявий натижанинг ижобий ҳолати яъни, банк фойдаси банк ўз капиталининг кўпайиши асосий манбаси, асосий фондларининг янгиланиши ва кўпайиши асоси, банкнинг тўловга лаёқатлиги ва ликвидлилигини таъминлаши, молиявий барқарорлиги, дивиденд тўлаш имконияти, банк хизматлари сифатини ошириш ва ривожлантиришга замин яратади. Молиявий натижанинг салбий бўлган ҳолати, яъни зарар банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва банк олдига қўйган вазифаларни бажара олмайди. Банк ҳар доим зарарнинг олдини олиш йўллари, юзага келиш сабабларини аниқлаши ва бартараф этиш йўллари излаб топиши керак, зарар юзага келганда эса уни қоплаш манбаларини ўз вақтида топиши лозим.

3.2. Банкларда молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш

Юқоридаги бобларда ва саволларда тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлили билан боғлиқ бўлган муаммоларга дуч келиб, уларнинг айримларини ҳал қилиш йўллари ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик. Ушбу саволда бизнинг нуқтаи-назаримизда молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилини ривожлаштириш мумкин бўлган баъзи бир йўналишларни кўриб чиқамиз.

Жаҳон иқтисодиётида мавжуд бўлган вазият банкларнинг нақадар иқтисодий ҳолатга боғлиқ эканлигини, унда бўлаётган ҳар қандай ўзгариш банклар фаолиятига таъсир этмай қолмаслигини ва аксинча йирик тижорат банкларда бўлган инқирозлар бутун бир давлат иқтисодиётига таъсир кўрсатишини амалиёт исботлаб турибди. Ушбу ҳолатда банкларнинг эришаётган натижалари, уларнинг ҳолати ошкора, албатта қонунчилик доирасида акс эттирилиши аҳолининг, инвесторларнинг ишончини ортишига сабаб бўлади. Тижорат банклари жалб қилинган маблағларни ва ўз маблағларини қай тарзда фойдаланиб, улардан қандай натижа олганлиги

барчани қизиқтиради. Бунда банк эришган якуний молиявий натижанинг, яъни фойда (зарар) кўрсаткичининг аҳамияти янада ортади. Олиб борган тадқиқотимизда фойданинг банк фаолиятини баҳолашда аҳамияти нақадар юқори эканлиги кўринди.

Шу ўринда банкни йиллик баҳолаш орқали фойдани ҳисоб-китоб қилишда соф фойда кўрсаткичини мазмунли қилиб кўрсата оладиган усулни танлаб олиш муаммоси мавжуд эканлигини кўрсатади. Самара вазиятнинг муваффақиятли келиши натижасида ёки бошқарувнинг самарадорлиги натижасида ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам фойдани шакллантириш сабаблари ва манбаларини очиб бериш банкни келажакда ривожлантириш ва ҳозирги ҳолати ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишда муҳим аҳамиятга эга. Банкни баҳолаш таҳлил учун зарур бўлган фойда таркиби ва табиатини аниқлаш имкониятини бермайди. Бу ўз навбатида башорат қилиш мақсадларини ҳам рўёбга чиқара олмайди. Ҳисобот фойдаси жамиятда келишув ва ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш асоси бўлиб қолмоқда. Банклар томонидан молиявий натижаларни бошқариш мақсадида фойдани ҳисобга олиш усуллари ўзгартирилиб турилади. Бу соф фойдани кўпайишини тaminланишини кўрсатиш учун ҳамда ўз ва қарз маблағлари нисбатини керакли кўрсаткичига эришишни назарда тутди. Кўпчилик бухгалтерлар нуқтаи назарида ҳисобот давридаги соф фойда ўз ичига ҳисобга олинган барча хўжалик ходисаларини қамраб олиши ва унинг ҳар бир элементи уни ташкил топиш манбаси билан кўрсатилиши лозим.

Банк фаолиятининг молиявий натижалари уларга таъсир этувчи кўпгина омиллар билан боғлиқ. Бунинг натижасида улар билан боғлиқ бўлган муаммолар юзага келади. Таҳлил муаммолари авваламбор молиявий натижаларни шакллантириш ҳисоби билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда кўпчилик инвесторлар хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларининг ҳаракати истиқболларини баҳолашга қизиқишади. Бунда улар банкларнинг даромадлилигини, қилинган инвестицияларнинг риск даражасини баҳолашда ҳисоботлардаги фойда

кўрсаткичидан фойдаланишади. Ўтган даврлардаги фойда тўғрисидаги маълумотлар фойдани прогноз қилиш имкониятини, ўз навбатида банкнинг жорий ҳолатини баҳолаш имкониятини бера оладими? Бошланғич қиймат (таннарх) бўйича ҳисоб-китоб қилинган ўтган йиллардаги фойда тўғрисидаги маълумотлар худди шу лекин жорий баҳолашдан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилинган маълумотларга нисбатан фойда прогнозини асослаб беради. Бу иккала модел ҳам нарх индекси асосида ҳисоб-китоб қилинган фойда прогнозига нисбатан авзалроқ ҳисобланади. Бизнинг амалиётда молиявий натижаларни ҳақиқий баҳолашни таъминлаш учун асосан инфляция (истеъмол баҳолари индекси) кўрсаткичидан фойдаланилади.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишда уларни ташкил қилувчилар, яъни даромад ва харажатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Даромадлар, харажатлар, фойдани ҳисобга олиш сифати ва ҳисоботда тўлиқлигича акс эттирилиши қараб банк молиявий натижаларини таҳлил қилишда муаммолар юзага келиши мумкин. Бу ерда энг катта муаммо сифатида маълумотларнинг тўлиқ кўрсатилмаганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Банк фаолиятининг барча жабхалари тўғрисидаги маълумотлар фақатгина ички фойдаланувчиларда, яъни маъмуриятда бўлади. Шунинг учун ҳам молиявий ҳисоботлар асосида молиявий натижаларни таҳлил қилиш амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Олиб борилаётган бухгалтерия ислохатларининг бухгалтерия ҳисоботи материалларига асосий талаблари уларнинг фойдалилиги бўлиши керак, яъни ташқи фойдаланувчилар эълон қилинаётган маълумотлардан бошқарув қарорларини асосланган ҳолда қабул қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ташқи молиявий таҳлилни маълумотлар билан таъминлаб бериш масаласини кўриб чиқишда мустақил фойдаланувчига фақатгина эълон қилинаётган бухгалтерия ҳисоботидаги кўрсаткичлар таркиби эмас, балки уларнинг ҳаққонийлиги ҳам муҳим.

Балансинг ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг сифати ҳам мутахассиснинг молиявий таҳлил соҳасидаги имкониятларига таъсир

кўрсатади. Ишонарсиз ва солиштириб бўлмайдиган маълумотлардан фойдаланиш банк фаолиятини ифодаладиган кўрсаткичларни нотўғри тавсифлашга олиб келади. Бу таҳлил натижаларини шубҳага қўяди.

Аналитик иш амалиёти кўрсатишича банкларнинг молиявий ҳисоботи сифати идеалдан йироқ. Кўп тарқалган хатоларга дебитор ва кредитор қарздорликни йиғиб кўрсатиш, катта суммаларни бошқа активлар ва пассивлар, даромадлар ва харажатлар моддаларида кўрсатиш, ўтган давр учун ҳисоб сиёсатининг ўзгариши муносабати билан солиштириш учун маълумотларнинг берилмаслиги.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот идеал кўринишда баланс структурасига мос бўлиши керак, чунки даромад ва харажатларни баланснинг асосий моддаларига тўғри келишига қараб таҳлил қилиш мумкин бўлиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг ноаниқлиги қуйидаги асосий сабаблар оқибатида юзага келиши мумкин:

1. Бухгалтерия ходимларининг тайёргарлик даражаси пастлиги ва аудиторлик фаолиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тайёрлаш масаласида амалдаги норматив базанинг камчиликлари ва келишмовчиликлари;
3. Инфляция даврида махсус ҳисоботни тайёрлаш ва ҳисоб сиёсатнинг ўзгаришини ҳисоботда акс эттириш механизмнинг йўқлиги.

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотларини вақт бўйича солиштириш қийинлиги муаммоси активлар ва пассивларни бошланғич (тарихий) қийматда акс эттириш тамойилидан фойдаланганлиги. Ундан фойдаланиш баҳоларнинг унчалик кўп ўзгармаганда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Лекин инфляция ҳолатида фойдаланилса молиявий ҳолатни баҳолашга айтайли даражада таъсир кўрсатади. Биринчидан, активларни бошланғич қиймат бўйича акс эттириш банк мулкнинг ҳақиқий қийматини пасайтиришга олиб келади. Бу ташқи фойдаланувчилар учун даромад олишнинг ҳақиқий имкониятини таҳлил қилишни қийинлиштиради.

Бундан ташқари, активларнинг ҳақиқий ва бухгалтерия қиймати ўртасидаги фарқ активлар айланувчанлиги камайиши билан ўсиб боради. Бунинг натижасида банкнинг маблағлари таркиби четлашади. Инфляция фақатгина абсолют, балки нисбий кўрсаткичларнинг четлашишига олиб келади, бу ўз навбатида банкнинг ривожланиш концепциясини ва истикболларини объектив таҳлил қилишни қийинлаштиради.

Иккинчидан, баҳоларнинг ўсиши даврида сотиб олиш нархлари бўйича ҳисобга олиш банк фаолияти натижасини кўтарилади. Активларни тарихий қиймат бўйича ҳисобдан чиқариш бир томондан вертуал фойданинг ҳосил бўлишига олиб келади, иккинчи томондан эса асосий фондлар ва оборот активларини тўлдириш учун маблағлар етишмовчилигини юзага келтиради.

Фойданинг инфляцион таркиби тўғрисида маълумотга эга бўлмаслик юқори дивиденд тўлашга ёки ходимларга моддий ёрдамнинг кўпайтиришига асосланмаган сабаб бўлади. Бундан ташқари ҳисоботда даромаднинг ошириб кўрсатилиши солиққа тортиладиган даромадни кўпайтиради.

Буларнинг барчаси баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг анъанавий усулда тайёрланиши баҳолар ўсиши даврида эълон қилинаётган маълумотлардан фойдаланувчилар томонидан нотўғри талқин қилиниши мумкин. Жаҳон амалиётида инфляцияни ҳисобга олишнинг бир нечта йўналиши ишлаб чиқилган. Улардан машҳурлари сифатида бухгалтерия ҳисоби объектларини бир ҳил сотиб олиш бирликлари бўйича (Current Purchasing Power - CPP) ва жорий қиймат бўйича (Current Cost Accounting - CCA) ҳисобга олишни кўрсатиш мумкин.

Улардан фойдаланиш тажрибаси молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари комитети (IASB) томонидан умумлаштирилган. Бунинг натижасида ҳозирги кунда 29 стандарт “Гиперинфляция даврида молиявий ҳисобот” (IAS 29 Financial Reporting in Hyperinflationary Economies) талаблари мавжуд бўлиб, унга кўра иқтисодиётда гиперинфляция бўлган давлатлардаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаб чиқишлари керак.

Банк харажатларини таҳлил қилишда банк операцияларининг ички қийматини ҳисоб-китоб қилиш муаммоси юзага келади. Алоҳида олинган банк операцияларининг қийматини ҳисоб-китоб қилишдаги асосий муаммо бўлиб, ушбу операцияни амалга ошириш учун жалб қилинган маблағларнинг реал қийматини аниқлаш ҳисобланади. Активларнинг алоҳида турлари бўйича маблағларни жалб қилишнинг ялпи қийматини тақсимлаш қийин, чунки банкка жалб қилинган маблағларни аниқ бир актив операцияларга боғлаш ишлари олиб борилмайди. (банкнинг алоҳида олинган операциясини амалга ошириш учун жалб қилинган маблағлар қийматини аниқлашнинг бир усули сифатида ушбу операциянинг барча актив операциялардаги улуши ҳисобланиб банк томонидан жалб қилинган барча маблағлар қийматига кўпайтириш ҳисобланади.).

Молиявий натижалар таҳлили натижаларига шартли ҳисобланган турли хил операциялар бўйича даромад ва харажат моддаларини гуруҳлаштириш учун танланган усул ҳам таъсир кўрсатади. Шундан, уларнинг турли хил комбинацияларида операцияларнинг алоҳида турларидан фойда шартли кўрсаткич бўлиб қолади. Чунки, у банк фаолияти ёки операциялари бўйича оралиқ молиявий натижаларни гуруҳлаштиришга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Бу ўз навбатида жуда кўп меҳнат талаб қиладиган фойдани таҳлил қилиш жараёнини қийинлаштиради. Шунингдек, у асосида қилинган хулосалар шартли характер касб этади. Масалан, чет эл валютасидаги операциялардан соф даромад ўз ичига чет эл валютасидаги дилинг операциясидан даромад, валютани қайта баҳолашдан фойдани, ёки чет эл валютасини олди-сотди операцияларидан даромадни олиш мумкин, қайта баҳолашдан даромад фақатгина валюта позициясидан келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, чет эл валютасидаги даромадга қимматбаҳо металллар, молиявий инструментлар билан операциялардан даромадларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ўз навбатида ушбу турдаги даромадга сезиларли тарзда таъсир кўрсатади. Ёки қимматбаҳо металллар ва молиявий инструментлар билан операциялардан

даромадлар молиявий ҳисоботнинг алоҳида моддаси сифатида намоён бўлиши мумкин ва хоказо.

Шунинг учун ҳам қўйилган мақсадларга мос равишда, аниқ бир турдаги операция бўйича фойдани ҳисоблаш ва баҳолаш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун ҳар операция тури бўйича даромад ва харажатлар моддаларини гуруҳлаштиришни оптималлаштириш лозим.

Банк фойдасини таҳлил қилишда, ҳаттоки барқарор фаолият олиб бораётган банкларда ҳам молиявий натижаларнинг максимал даражада яхши натижалар олиш учун мавжуд бўлган заҳиралардан унумли фойдаланмайди. Афсуски қўлдан бой берилган нафни таҳлил қилиш масалалари назарий жиҳатдан қам тадқиқ қилинган. Банклар фаолиятида ушбу иш умуман олиб борилмайди ёки ўз вақтида бажарилмайди яъни қўлдан бой бериб қўйганни қайтариб бўлмайди.

Банк фойдасини таҳлил қилиш даврида унинг сифатига эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банк фойдаси сифати деганда кўпинча фойда таркибини, турли хил омиллар таъсирида унинг шаклланишини тушинишади. Е.И. Бородина фикрича "... фойда сифати – бу молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантирувчи, ўлчов бирлигига эга ва эга бўлмаган, маркетинг, менежмент соҳасида бошқарув қарорлари билан асосланган омилларнинг характеристикаси”²¹.

Фойда сифатини таҳлил қилишнинг амалий аҳамияти самарадорлик кўрсаткичи, акциядорларга даромадлар тўлаш ва фаолиятни кенгайтириш манбаси ҳисобланган фойданинг шаклланиши тенденцияларини тўғри баҳолаш ҳисобланади. Бу ўз навбатида молиявий натижаларни бошқарув сифати билан боғлаш имкониятини беради.

²¹ Анализ финансовой отчетности: Учебное пособие / Под ред. О. В. Ефимовой, М. В. Мельник. – М.: Омега – Л, 2004. – с. 408.

Соф фойда сифатини баҳолаш уни шаклланишига таъсир этувчи омилларни гуруҳлаштириш асосида қуйидаги йўналиш бўйича амалга оширилиши мумкин:

- соф фойдани шакллантиришда бухгалтерия усуллариининг ролини баҳолаш ва ҳисоб сиёсати таҳлили;
- банк хизматларини кўрсатишдан тушган тўловлар операцияларини амалга оширишда шаклланадиган фойдага таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- бошқа даромадларнинг таркиби ва тузилишини ҳамда уларнинг шаклланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- соф фойдага таъсир этувчи солиқ тўловлари ва солиқ ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Фойда, даромад ва харажатлар динамикасини таҳлил қилишда кўрсаткичларни солиштириш муаммоси юзага келади. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилишда бир қатор йиллардаги кўрсаткичлардан фойдаланилса фойдаланилган потенциал солиштириш даврида ўзгартирилмаган бўлса тўғри ҳисобланади. Лекин ҳозирги кунда тижорат банклари матбуотда эълон қилаётган молиявий ҳисоботдаги маълумотлар кўпчилик ҳолатларда солиштириш учун яроқсиз бўлиб қолмоқда. Сабаби ўтган йиллари берилган маълумотлар жорий йил маълумотлари билан умуман тўғри келмайди ёки оддий арифметик ҳатолар ҳам мавжуд бўлади. Бошқа банклар билан кўрсаткичларни солиштириш ҳам қийин амалга ошириладиган бўлиб ҳисобланади. Чунки бунда яна қўшимча шартларнинг бажарилишини талаб қилади (масалан, кўрсатилган хизматлар хажмининг капиталга нисбати). Бундай маълумотларни олиш мушкул иш ҳисобланади.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, тижорат банклари фойдаси динамикасини таҳлил қилиш ҳозирги кунга қадар назарий жиҳатдан кам ишлаб чиқилган. Махсус адабиётларда ҳар қил вақт оралиғидаги бир қил кўрсаткичларни солиштиришда мос келиш масаласи ёки умуман қўйилмайди, ёки бундай солиштиришлар ўтган йиллардаги маълумотлар

билан амалга оширилади. Банкларнинг ўзларида молиявий натижалар кўрсаткичларини солиштириш фақатгина ўтган йил кўрсаткичлари билан амалга оширилади. Бироқ бундай таҳлил қилишнинг самарадорлиги унчалик юқори эмас, олинган натижалар тўғрилиги мавҳум. Кўрсаткичлар динамикаси солиштириш учун тренд таҳлилини амалга ошириш лозим. Ушбу таҳлил бизнинг банклар учун жуда қийин масала ҳисобланади, чунки ҳисобот кўрсаткичлари таркиби ва шаклининг ўзгарганлиги, фойда кўрсаткичининг таркиби, инфляцион таркибнинг мавжудлиги таҳлил қилинаётган кўрсаткичларни солиштиришда қийинчиликларни туғдиради.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банк фаолияти молиявий натижаларини таҳлил қилишда алоҳида операциялардан даромад ва харажат моддалари бўйича, ҳар бир банк маҳсулоти ва операция таннархи бўйича маълумот етишмаслиги кузатилди. Банк маҳсулоти таннархини аниқлаш бўйича ҳозирги кунда кўпчилик тижорат банклари тариф тизимидан фойдаланишади. Тариф тизимида банклар асосий эътибор берадиган нарса бу банк маҳсулотлари бўйича хизмат ҳақлари ўтган йиллардагига нисбатан ўрганилиб белгиланиши ҳисобланади. Шунингдек, банк қилаётган харажатларнинг қайси бири банк маҳсулоти таннархига киритилиши муаммоси ҳозирги кунда кўндаланг бўлиб турибди.

Тижорат банкларининг капиталлашувини ошириб бориш ҳозирги кунда мамлакатимиз банк тизимини мустаҳкамлаш, аҳолининг ишончини ошириш банкларнинг инвестициялаш жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу ўринда банклар учун капиталини оширишнинг асосий манбаси ҳисобланган фойда ва рискни, уларнинг бир-бири билан узвий боғланганлиги ўрганиш заруратини оширади. Тижорат структураси учун риск ўзини оқлаши учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- биринчидан, якуний молиявий натижага турли ҳил омилларнинг таъсири натижаси ва сабабларини батафсил таҳлил қилиш керак;

- иккинчидан, банк фаолиятига таъсир этувчи рискларни ҳисобга олган ҳолда банк фаолиятини ривожлантириш вариантларини ишлаб чиқиш керак;
- учинчидан, қўрилиши мумкин бўлган йўқотишларни тиклаш манбаларини режалаштириш керак.

Даромад ва риск бир-бирига тескари пропорционал ҳисобланади. Улар ўртасида нисбатни сақлаб туриш барча даврда банк менежерларининг асосий эътиборини жалб қилиб келган. Риск ва даромаднинг боғлиқлигини ўрганишда даромадга таъсир этувчи риск омилларини тадқиқ қилиш масаласини ҳал қилиш банклар учун муҳим ҳисобланади. Даромадлиликка таъсир этувчи омилларнинг жамланмаси жуда кўпчилиқни ташкил этади, ва ҳар бир алоҳида олинган банкда уларнинг сони танланган фаолият йўналишидан келиб чиқиб ўзгаради. Рақобатнинг доимий равишда ортиши шароитида ҳаттоки айтарли даражада бўлмаган воқеаларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Банк менежерлари даромадлилиқнинг юқори даражасини таъминлаш мақсадида режалаштирилаётган операцияларнинг мақсадлилигини аниқлаштириб олишлари керак. Бизнес режалар ҳақиқатга яқин ва бошқарув томонидан назорат қилинишига осон бўлиши лозим. Бюджетлаштириш асосида банк ихтиёрида бўлган маблағларни самарали фойдаланишни кузатиб туриш керак. Бундан ташқари доимий равишда молиявий бозорда банкнинг позициясини баҳолаб туриш ва шу асосида кам самарали банк маҳсулотларини қайта кўриб чиқиб, самаралиларни кенгайтириш йўллари излаб топиш керак.

Бунда асосий ўринлардан бирини трансферт баҳони шакллантириш тизимини самарали жорий этиш тутиш керак. Бу маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш жараёнида олинган фойдани ташкил этувчиларни баҳолаш имкониятини беради.

Биз биламизки, банк фойдаси шаклланиши турли ҳил даромадларнинг йиғиндисига боғлиқ бўлади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, банклар олаётган даромадининг асосий қисмини ритейл бизнесидан яъни чакана банк

хизматини кўрсатишдан олаётганини кўришимиз мумкин. Шунинг учун банк ушбу хизмат турларини ривожлантирса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу банк хизматларини асосан мини банклар кўрсатади.

Умуман олганда банклар томонидан миждозларга кўрсатилаётган чакана банк хизматларини ривожлантириш банк филиалларининг даромад базасини кенгайтириш омилларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг чакана банк хизматларини жумладан, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, валюта айрибошлаши, депозитларни қабул қилиш, нақд пул ўтказмаларини ўтказиш каби чакана банк хизматларини кўрсатувчи асосий тармоғи бўлиб банк шахобчалари (минибанк) ҳисобланади. Улар мамлакатимиз ҳудудининг турли жойларида аҳоли, корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатмоқда.

Минибанкни ташкил этаётганда унга кўп миқдорда капитал харажат қилинади. Албатта, ушбу харажатлар ўз-ўзини маълум бир вақт ўтгандан сўнг қоплаши керак. Айрим, ҳолатларда бу бундай бўлмаяпти. Бунинг асосий сабаби, миждозларга ҳисоб-китоб-касса хизматининг яхши кўрсатмаслиги, кредит операциялари яхши амалга оширилмаслиги, бухгалтерия ишининг тўғри ташкил этилмаганлиги ва хоказолардир. Шунингдек, баъзи бир қишлоқ аҳоли пунктларида телекоммуникация воситаларининг замон талабига жавоб бермаслиги ёки умуман бўлмаганлиги маълумот алмашиш, банк ўтказмаларини ўтказишни қийинлаштиради. Бунинг натижасида минибанк миждозлари бошқа банкларга кетиб қолмоқда ва чакана банк хизматлари миқдори камайиб кетаяпти. Чакана банк хизматларидан кўрилаётган банк даромадлари бошқа банк хизматларидан олинаётган даромадларга нисбатан олганда барқарор ҳисобланмайди. Шундай бўлсада банк филиаллари, шахобчалари барқарор равишда фаолият олиб борсалар, улар томонидан кўрсатилаётган чакана банк хизматларидан миждозлар доимий фойдаланадилар.

Минибанклар кўрсатаётган чакана банк хизматларни амалга оширишда ҳозирги кунда айрим муаммолар учраб турибди жумладан, минибанкларда

телекоммуникация воситаларининг замон талабларига жавоб бермаётганлиги, бунинг натижасида бухгалтерияда амалга оширилган бухгалтерия ўтказмалари ўз вақтида бажарилмаганлиги ва бундан мижозларнинг норозичилиги юзага келаётганлиги, айрим жойларда банк операцияларини тез ҳисобга олиш учун зарур технологиянинг етишмаётганлиги натижасида ҳам мижозларни қониқтирмаётганлиги.

Минибанклар фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, юзага келган муаммолар кўпчилик ҳолатларда ходимларнинг кўникмалари етишмаётганлиги сабабли вужудга келган. Айниқса бухгалтерия ҳисобини олиб боришда кўп камчиликлар аниқланган. Бу камчиликлар ходимларнинг дастурларни ва меъёрий ҳужжатларни яхши билмаслигидадир.

Хуллас банк филиаллари ва минибанклари чакана банк хизматларини кўрсатишни янада ривожлантирса, уларнинг мижозлари сони ошиб боради ва даромади кўпаяди.

Маълумки банк тизими ўз мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва ресурсларни самарали бошқариш мақсадида ягона вакиллик ҳисобварағи ва бухгалтерия балансига ўтган.

Банкларда ягона вакиллик ҳисобрақами орқали бошқаришда банк филиаллари юридик мустақил бўлмаганликлари сабаб бош банкининг Марказий банкда очилган вакиллик ҳисобрақамларида ўз маблағларини сақлайдилар. Ушбу жараённинг яқин бир неча йилда амалга ошириш тажрибаси унинг бир қанча афзалликларини кўрсатиб берди. Жумладан:

- ягона вакиллик ҳисобварағида амалга оширилувчи операциялар тезлашиб реал вақт режимида ишлаши мумкин;

- катта даромад келтирувчи йирик лойиҳаларни молиялаштириш учун ресурсларни тез жамлаш имкони пайдо бўлади;

- банк бўлимлари ягона вакиллик ҳисобварағида ҳисобга олинган маблағларидан актив операцияларга жойлаштириш орқали унумли фойдаланиб вакиллик рақамидаги маблағларни минимал даражада сақлай олиши;

- банклараро бозорда ресурсларни қайта тақсимлашда банкнинг рақобатбардошлиги оширади;

- банк ресурсларни ишлатилишида янада оптималлаштириш пайдо бўлади ва банкларнинг рентабеллик кўрсаткичларини оширишда ҳамда банк активларининг оборотини тезлаштириб банкнинг юқори даромад олишига олиб келади.

Банк филиаллари бўйича банк хизмати турлари шартларини танлаб олишда аслида банк ресурсларини тезкорлик билан қайта тақсимлаш даражасига кўра олдиндан белгилаб қўйилган, филиалларнинг даромадлилиги ва ликвидлигини бошқариш, турли-туман хатарларни имкон борица камайтиришга эътибор берилган.

Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ҳисоб-китобларнинг олиб борилиши амалиёти шуни кўрсатадики, банкларда ушбу тизимдан самарали фойдаланилаётган бўлишига қарамай кўзга кўринмаган салбий ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Жумладан, бир ҳудудда яратилган ялпи ички маҳсулотни сотишдан тушган маблағлар ягона вакиллик ҳисобварағи тизими орқали улар номутаносиб тақсимланганлигини кўриш мумкин.

Банклар миллий иқтисодиётга хизмат кўрсатаётганда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлардан тушаётган тушумларни ҳамда улар ҳисобидан қилинаётган харажатларни банк ҳисобварақлари орқали ўтказди. Умуман олиб қараганда банклар ҳудудларда яратилаётган ялпи ички маҳсулотни ҳисобга олишда ва уни тақсимлашда бевосита иштирок этади. Бунда банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари жумладан, банк филиалларининг ички вакиллик ҳисобварақларида маблағлар ҳудудларда яратилган ялпи ички маҳсулот улуши билан диярли тенг. Буни биз тадқиқотимиз натижасида йирик, барча ҳудудларда кўп филиалга эга бўлган тижорат банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлари улушини ҳисоб-китоб қилганда амин бўлдик.

Банк ресурсларини бошқариш ва юқори даромад олиш нуқтаи назаридан ягона вакиллик ҳисобварағининг аҳамияти катта. Банк ўз ресурсларини самарали жойлаштириш, яъни кредитлар бериш, инвестициялар қилиш ва бошқа актив операцияларни амалга оширишда ҳудудлардаги иқтисодий вазиятга ҳам эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кўпчилик ҳолатларда банклар ягона вакиллик ҳисобварағига ўтгандан сўнг ресурсларни қайси ҳудудда яратилганига эмас балки кўпроқ даромад олиш мумкин бўлган ёки иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлган соҳаларга жойлаштиришга ўз эътиборини қаратишяпти. Албатта бу фойда олиш нуқтаи назардан тўғри ҳисобланади, лекин кўпчилик ҳолатларда ушбу ресурсларни шакллантиришда иштирок этган хўжалик юритувчи субъектлар ўз олдига қўйган мақсадларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

Олиб борган тадқиқотимизда таҳлил қилган тижорат банкларининг жойлаштирган ресурсларини ҳудудлар бўйича ўрганганимизда улар номуваносиб тақсимланмаганимизга гувоҳ бўлдик.

Ушбу маълумотлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ҳисоб-китоб қилганда қуйидагиларга эътибор қаратилса ягона вакиллик ҳисобварағининг самарадорлиги ошиб боради ва миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш билан бир қаторда тижорат банкларининг даромадлилиги, барқарорлиги ва мижозлари олдадаги имиджи кўтарилади:

- ягона вакиллик ҳисобварағи тизимида республикаимизнинг ялпи ички маҳсулотини яратилишига қўшган ҳиссасига қараб ҳудудий филиаллар ликвидлигини ҳамда ушбу бўлинма мижозлари талабини тўлақонли таъминлаш;

- ягона вакиллик ҳисобварақ тизимида кредит ресурслар таъминотида субъективизмни чеклаш мақсадида ҳудудий ривожлантириш давлат дастурлари ва банкнинг стратегик режасига мувофиқ кредит маблағлар тақсимотини йўлга қўйиш;

- кредит ресурслари самарадорлиги (бир сўм кредитга тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ёки бошқа кўрсаткичлар) юқори бўлган ҳудудларда банк инфраструктурасини ривожлантириш орқали кўшимча даромад олишга эришиш.

Юқоридаги саволларда кўриб чиқилган банк молиявий натижаларини таҳлил қилиш босқичларининг камчиликларини таҳлил жараёнининг кейинги босқичида ҳал қилиш мумкин. Бу босқичда банк бошқарув бирлиги группаларига бўлинади, уларни биз масъулият марказлари деб атаёмиз. Бундай бўлиш банк фаолиятини самарадорлигини ошириш ва режалаштириш даражасини ошириш учун амалга оширилади. Масъулият марказларининг кенг тарқалган турларига харажат марказлари, бизнес марказлари, фойда марказларини киритиш мумкин.

Масъулият марказлари бўйича таҳлил қилиш ҳар бир марказ фаолияти самарадорлигини ва режаларнинг бажарилишини баҳолаш имкониятини яратиб беради. Бунда шуни назарда тутиш керакки, бундай таҳлил фақат банкда харажат марказларига мос ҳисоб маълумотлари мавжуд бўлган тақдирдагина ўтказиш мумкин. Харажат марказлари бўйича бошқарув ҳисоби маълумотларининг энг оддий турларидан бири бўлиб даромад ва харажатлар моддалари бўйича бюджет рўйхатини тузиш ҳамда ушбу моддаларни назорат қилиш ҳисобланади.

Даромад манбалари ҳисобланувчи операциялар ва хизмат турлари комплекси ягона технологик занжирга группалаштирилади. Масалан, бир бўлимга тегишли умумий хизмат кўрсатиш соҳаси ва операцияларнинг бажарилиши бўйича ёки умумий миқдорлар мавжудлиги бўйича ҳамда бошқа мезонлар бўйича. Бунда кредитлаш, ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш, валюта операциялари, қимматли қоғозлар билан операциялари, касса операциялари ва бошқалар бўйича бизнес марказлари шаклланади.

ХУЛОСА

Олиб борилган диссертация тадқиқотлари жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шаклантирилди:

1. Тижорат банклари фаолиятини ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига асосланади. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш лозим деб ўйлаймиз:

– банкларнинг фаолиятини белгиланган меъёрга ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириш;

– ресурсларни арзонроқ олиб, қимматроқ сотиш;

– ўз маблағлари билан риск қилган ҳолда миқдорнинг маблағлари билан риск қилиш мумкин эмас;

– барчаси миқдор учун, унга ҳар доим тез ва сифатли хизмат кўрсатиш;

– банкнинг миқдор билан муносабати ўзаро тенглик, манфаатдорлик тамойили асосида ташкил этилиши лозим.

2. Банк даромадлари ва харажатларини бухгалтерия ҳисобида тан олиш масаласи ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Банк даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишончлилиқ, аниқлиқ, тўлиқлиқ ва ўз вақтидалиқ тамойиллари билан бирга “эҳтиёткорлик”, “ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги”, “аҳамиятлилиқ” тамойилларидан фойдаланса мақсадга мувофиқлиги асосланди.

3. Тижорат банкларида молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобининг мақсадидан, яъни ҳисоб тизими ва фойдаланувчилар учун банк фаолияти натижалари тўғрисида маълумотларни тан олиш, ўлчаш, уларни жамлаш ва уларни аниқ етказиб беришдан келиб чиққан ҳолда молиявий натижалар ҳисобининг вазифалари белгиланди ва тизимлаштирилди.

4. Молиявий таҳлил қилиш жараёнида кенг маълумотлар базасидан фойдаланилсада, асосан у бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Хўжалиқ субъекти фаолият юритувчи муҳитдаги бошқа маълумотлар

жумладан, молиявий бозорга тегишли бўлган ташқи маълумотлар манбаси таҳлилда деярли фойдаланилмайди. Шунингдек ташқи таҳлилда маълумотлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида олиб борилади.

Банклар молиявий ҳисоботда ҳисобот элементларини тўлиқ ва тўғри акс эттирса мақсадга мувофиқ. Шунингдек ҳисобот моддалари таркибидаги бошқа даромадлар, бошқа харажатлар элементларида бирор бир операция салмоғи жамига нисбатан 3 % дан ортиқ бўлса молиявий ҳисоботда алоҳида модда сифатида киритилса, молиявий ҳисоботнинг шаффовлиги ошиши асосланди.

5. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики банк харажатлари таркибида анъанавий тарзда банкнинг бошқарув аппаратини сақлаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари юқори салмоқга эга. Катталиги бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқарув харажатлари ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан кейинги ўринларда туради. Таҳлил жараёнида ушбу харажатларни банк хизматлари таннархига қўшиладиган ва банк фойдаси ҳисобига амалга ошириладиган харажатларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот жараёнида тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларининг даромадлари таҳлил қилинганда фоизли даромадлар камайиш тенденциясига, фоизсиз даромадлар эса кўпайиш тенденцияга эга эканлиги аниқланди.

2. Банк фаолиятининг ижобий якуний молиявий натижаси яъни банк фойдасининг банк барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти глобаллашув ва жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида нақадар катта эканлигини исботлаб турибди. Ушбу шароитда банк фойдаси ҳақида тўғри маълумотга эга бўлиш кераклиги тасдиқланди.

3. Мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида банклар 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун “Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар” ҳисобварағини киритса мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Имтиёзли кредит бериш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳаракати 30904- “Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш захира фонди” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Агар ҳисобварақ режасида ушбу ҳисобвараққа берилган таърифга эътибор берадиган бўлсак ҳисобварақда банкнинг тақсимланмаган фойдасидан кичик корхоналарни кредитлашга ажратилган маблағлар ҳисоби олиб борилиши керак. Аслида олганда эса ушбу жамғарма маблағларидан фақат кичик корхоналарни эмас балки кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам кредитланади. Шу сабабли ҳисобварақни “Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш махсус жамғарма фонди” деб номласа мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Тижорат банкларининг молиявий натижаларини таҳлил қилишда унга таъсир қилувчи ҳар бир омилни доимо кузатиб, ўрганиб бориш турли муаммоларни олдини олишга хизмат қилади. Банк молиявий натижаларини таҳлил қилишда бир қанча усуллардан фойдаланилди. Ушбу усуллар мамлакатимиз банклари молиявий натижаларини таҳлил қилишда фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Ҳозирги кунда тижорат банкларимиз фаолиятининг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичлари жумладан, акциядорлик капитали, фойда солиғи таъсири, харажатларни назорат қилиш самарадорлиги, активларни рентабеллиги, ресурсларни бошқариш самарадорлигининг ҳисобот даврида олинган банк соф фойдасига таъсирини акциядорлик капиталининг даромадлиги орқали АТ “Агробанк”нинг фаолияти таҳлил қилинди, уни қўллаш молиявий натижаларни таҳлил қилишда ижобий натижа бериши асосланди.

7. Тижорат банкларининг молиявий натижалари ҳисоби ва таҳлилини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий истикболларидан фойдаланиш мумкин:

- Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида ҳисоботларни тузишни янада такомиллаштириш натижасида, банкларнинг молиявий натижаларни таҳлил қилишда маълумотларнинг анча батафсил бўлишини таъминлайди.

- Ягона вакиллик ҳисобварағи тизимида республикамизнинг ялпи ички маҳсулотини яратилишига қўшган ҳиссасига қараб ҳудудий филиаллар ликвидлилигини ҳамда ушбу бўлинма миқдорлари талабини тўлақонли таъминлаш.

- Ягона вакиллик ҳисобварақ тизимида кредит ресурслар таъминотида субъективизмни чеклаш мақсадида ҳудудий ривожлантириш давлат дастурлари ва банкнинг стратегик режасига мувофиқ кредит маблағлар тақсимотини йўлга қўйиш;

- Кредит ресурслари самарадорлиги (бир сўм кредитга тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ёки бошқа кўрсаткичлар) юқори бўлган ҳудудларда банк инфраструктурасини ривожлантириш орқали кўшимча даромад олишга эришиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни 1995 йил 21 декабр. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда)

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 25 апрел. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда)

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 30 август. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 9-сон, 142-модда)

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56 сонли Қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сон, 112-модда)

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 343-модда)

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-

1317-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 104-модда)

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1.3.4.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги 1306-сонли Низом, 2004 йил 30 январ. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 51-модда)

1.3.5.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида”ги 2004-сонли Низом, 2009 йил 9 сентябр. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 412-модда)

1.3.6.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги 1834-сон йўриқнома 2008 йил 11 июл. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари.

2.1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009 й. – 56 бет.

2.2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир –Т.:Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

3. Китоб ва туркум нашрлар

3.1.1.Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. -160 б.

3.1.2.Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2003.-305 б.

3.1.3.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т.: Молия, 2002. - 304 б.

3.1.4.Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. –изд. 2-е перераб. и доп. –М.: Университетская книга; Логос, 2007. -368 с.

3.1.5.Диана Мак Нотон Банковские учреждения в развивающихся странах - Всемирный банк, Вашингтон, Д.С. , 1994.

3.1.6.Жарковская Е.П. Банковское дело.-4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2005.-452 с.

3.1.7.Қодиров А.Қ. Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности. –СПб.: издательство СПбУЭФ, 1993. -152 с.

3.1.8.Лаврушина О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (Банковский менеджмент).-М.: Юрист, 2003.-526 с.

3.1.9.Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. –М.: Финансы и статистика, 1996. -272 с.

3.1.10.Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра-М, 2004. - 472 с.

3.1.11.Савдакасов К. Коммерческие банки: Управленческий анализ деятельности. Планирование и контроль –М.: Ось-89, 1998. -160 с.

3.1.20.Смирнов А.В. Управление ресурсами и финансово-аналитическая работа в коммерческом банке. -М: БДЦ-пресс, 2002. -176 с.

3.1.21.Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учёта. -М.: Финансы и статистика, 2000.-496 с.

3.1.22.Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. Днепропетровск. Баланс Бизнес Букс, 2006. - 672 с.

3.1.23.Черкасов В.Е. Банковские операции: финансовый анализ. –М.: Издательство Консалтбанкир, 2001, - 288 с.

3.1.24.Юлдашев С.Ш. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках Республики Узбекистан. Учебные материалы ИЭО. –Т. 1995. -160 с.

3.1.25. Козлова Е.П., Галанина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика, 2000. -640 с.

3.1.26. Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. -256 с.

3.1.31. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. -224 б.

3.1.32. Анализ финансовой отчетности: Учебное пособие / Под ред. О. В. Ефимовой, М. В. Мельник. – М.: Омега – Л, 2004. – 408 с.

3.1.33. Банки и банковское дело / Под ред. И.Т.Балабанова. СПб.: Питер, 2003.-304 с.

3.1.34. Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.

3.1.35. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. -М.: КНОРУС, 2008. - 768 с.

3.1.36. Банковское дело. Управление и технологии: Учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям/ Под ред. проф. Тавасиева. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. -671 с.

3.1.37. Практический курс бухгалтерского учёта в современном банке / ред. Бор М.З. –М.: ДИС. 1996. -384 с.

3.1.38. Смирнов А.Р. Банковский учёт. Под ред. М.И. Баканова. –М.: Финансы и статистика, 1999. -352 с.

3.1.39. Усатова Л.В., Сероситан М.С., Арская Е.В. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках: Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. –М.: Издательско-торговая корпорация Дашков и К°, 2007. -404 с.

4. Статистик ва ҳисобот материаллари

4.1. АТ “Агробанк”(АТ “Пахтабанк”) акциядорлик тижорат банкининг 2004-2009 йй. ҳолатига маълумотлар.

4.2. АТ “Қишлоқ қурилиш банк” (АТ “Ғаллабанк”) акциядорлик тижорат банкининг 2004-2009 йй. ҳолатига маълумотлар.

4.4. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2007 йил. Т.:
2008 йил 392-бет

5. Интернет сайтлари

8.1. <http://www.tsue.uz>

8.2. <http://www.stat.uz>

8.3. <http://www.cbu.uz>

8.4. <http://www.lex.uz>


ИЛОВАЛАР

1-илова

АҚШ банкларида молиявий натижаларни шакллантириш модели²²

	Даромад	Харажат	Молиявий натижа
1.	Жами фоизли даромад.		
2.		Жами фоизли тўловлар.	
3.			Соф фоизли даромад, ёки фоизли маржа (1кат-2кат).
4.		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси.	
5.			Резервлар шакллантирилгандан сўнг фоизли маржа (3кат-4кат).
6.	Жами фоизсиз даромадлар.		
7.		Жами фоизли харажатлар.	
8.			Соф фоизсиз даромад, ёки фоизсиз маржа (6кат-7кат).
9.			Солиқ тўлангунга қадар даромад (зарар) (5кат+8кат)
10.		Даромад солиғини тўлаш.	
11.			Солиқ тўлангандан сўнг даромад (зарар) (9кат-10кат).

²² Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. -с. 67.



Чизма. Банк даромадларининг алоҳида белгилари бўйича диверсификацияси²³

²³ Муаллиф томонидан тузилди.

